



2016 йил 18 апрел куни ЎХХ йўлбошчиси Муҳаммад Солиҳ фейсбук орқали ББС радиоси билан тўғридан тўғри суҳбат қурди. Йўлланган саволларга жавоб берди.

Бу муҳолифат лидерининг ўта жиддий ва, айни пайтда, аҳамиятли чиқишларидан бири бўлди. Муҳолифатнинг ҳолати, ҳаракати ҳақида мана шундай ошқора хабарлар, баёнотлар бериб туришнинг фойдаси катта.

Суҳбат давомида Муҳаммад Солиҳ дунёвий миқёсда фикрлайдиган сиёсатчи ўлароқ намоён бўлди. У берилган ҳар бир саволга ўта ишонч ва ўта



ичкарасида муҳолифат аъзолари борлиги, муҳолифат сифатида ўзини кўрсатишга қодир потенциал мавжудлигини қайта-қайта таъкидлади. Бу, шубҳасиз, ҳақиқатдир. Бугун ахборот оламида, ижтимоий тармоқларда виртуал об-ҳавони белгилаб турган қатлам халқнинг жуда борса, беш фоизини ташкил қилиш мумкин. Ўзбекистондаги ўттиз миллиондан ошиқ аҳолининг ҳукумат ҳақида асл фикри қандай? Президент тўғрисида уларнинг самимий хулосаларини биламизми?

Виртуал тармоқда ўтириб олиб, ичига Каримовдан кўркиш васваси тушиб,

МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ ББСДАГИ ЧИҚИШИ ХУСУСДА ҚИСҚАЧА ТАҲЛИЛ

хотиржамлик, ўта қатъият билан жавоб қайтарди.

Муҳаммад Солиҳнинг 21 аср маънавият асри бўлади деган қараш бошқа сиёсатчиларнинг қарашларидан кескин фарқланади. Чунки Муҳаммад Солиҳ шахснинг ҳукмронлигини эмас, балки жамиятнинг эркинлигини истайдиган сиёсатчидир.

Муҳаммад Солиҳ ҳамма одамда ҳам кўнгил, ақл бор, шунинг учун ҳар ким бир хур инсон сифатида ўзи истаган ҳаёт йўлини кечирishi лозим деб ҳисоблайди.

Муҳаммад Солиҳнинг Турк давлатлари конфедерациясини тузиш ғояси ўта аҳамиятлидир. Суҳбатда у Марказий Осиё давлатларининг ўзаро иттифоқини назарда тутди. Агар турк тилида сўзлашувчи давлатларнинг барчаси ўзаро эркин иқтисодий, маданий, сиёсий алоқага киришса, бу ҳудудларда яшовчи халқларнинг салоҳияти гуркираб кетади, шубҳасиз. Чунки ҳар қандай тараққиётнинг асоси –

коммуникациядир. Яъни ўзаро алоқа-муносабат ривожланишга етаклайди. Коммуникация сиёсатда, иқтисодда, илм-фанда, маданиятда ва умуман барча соҳаларда устувор бўлиши шарт.

Инсоннинг томирлари бўйлаб қон яхши юрса, организм бақувват ва гўзал бўлади. Шунинг учун ҳаммамиз иложи борича жисмоний машқлар қилишга интиламиз. Ҳаракатланамиз. Шу каби давлатлар ҳам ўзаро қанчалик кўп алоқага киришсалар, самараси шунчалик йирик бўлади. Масалан, маҳсулот экспорт қилиш, таълим соҳасида тажрибаларни ўртоқлашиш, масалаларни ҳал қилишда сиёсий суҳбатларни уюштириш, тенгликка ва дўстликка асосланган муносабатларнинг хайрли оқибати борлигини тарих кўп тасдиқлаган.

Шу маънода, Муҳаммад Солиҳ илгари сураётган Турк Давлатлари конфедерацияси ғояси бугунги кунда энг устувор, энг яшовчан ва энг жонли ғоядир.

Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистон

жоним омон бўлсин, Каримовни мақтаб кўйсам ёки муҳолифатни битта сўкиб кўйсам, МХХ кузатувидан омон қоламан деган хаёлпарастлар тугал хулоса яшаш учун арзирли асос эмаслиги аниқ. Қишлоқларда, шаҳарларда яшаётган, хорижда Ватан соғинчида юрганлар ҳукуматни севади, шу ҳукумат мангу қолсин дейди деб айтганлар ғирт ёлғончидирлар. Шунчаки овози чиқмаётган, ўз қишлоғидан ташқарини кўрмаётган миллионлаб одамларнинг дарди ичида. Агар озгина рағбат берилса, кўз олдларида реал йўлбошчини кўрсалар, халқ, албатта, Каримов режимига барҳам беради. Чунки бутун Республика оёққа турса, уни бостириш имконсиз. Ўттиз миллион халқни отиш учун, албатта, Каримов амр бера олади, бироқ халқ денгиздир, уни бир пуфлаб чирпирак қилиб ташлайди.

Шунинг учун Каримов бор кучи билан ўзидан бошқа лидерга йўл бермаяпти.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Муҳаммад Солиҳ ўзига нисбатан қилинган туҳматларга, ҳақоратларга ўта маданият билан жавоб берди. Ўзини сўккан, одобни билмайдиган одамларни қайтариб ҳақорат қилиб ўтирмади. Бу паст ишга ўзини чоғламади.

Муҳаммад Солиҳ мухолифат эришган натижалар хурриятга эришганимиздан сўнг майдонга чиқади деди. Бу ҳам тўғри гап. Мухолифатнинг ичида турган одам ўзини ташқаридан кўра олмайди ва камтар одам ўзини мақтамайди. Ҳақ гап шуки, Муҳаммад Солиҳ бошчилик қилаётган ўзбек мухолифати тарихда камдан кам кўриладиган катта жасоратни амалга оширяпти. Бу мухолифат камдан кам одамлар уддалай оладиган бир ишни муваффақиятли уддалаб келяпти.

Гап шундаки, Каримов режими каби қаттол бир режим даврида хуррият ғояларини асраб қолиш, шу ғояларни байроқ қилиб одамларни бирлаштириш, сўнгги куввати қолса ҳам, ўрнидан туриб курашга чоғланиш – энг катта миссиядир. Агар мухолифат бўлмаса, дейлик, Муҳаммад Солиҳнинг ўтган яқин ўттиз йиллик фаолияти бўлмаганда, қандай вазиятни тасаввур қила олардик? Агар Муҳаммад Солиҳ бошчилик қилган мухолифат бўлмаганда бугун ўзбек халқининг ёшлари, улғайиб келаётган навкирон авлод бу зулмдан қандай қутулиш мумкинлиги ҳақида била олмас эдилар. Муҳаммад Солиҳ бошчилик қилиб келган мухолифат, эҳтимол, кимларнингдир кўз олдида умуман ютукқа эришмагандир, лекин бу ерда жуда катта ютуқ, натижа турибди. Бу – сиёсий курашиш тажрибасидир. Бугун дунё сиёсат майдонида ўзбек мухолифати деган бир тушунча бор. Зулм ва босимлар остида ўзининг борлигини кўрсатиб, одамларни уйғотиб, йўқотишларга қарамасдан ўз йўлида собит бўлиш – катта ғалабадир.

Яқин ўттиз йилки, ўзбек мухолифати Каримов режими сиёсатини чуқур кузатиб келяпти. Дикқат билан кузатиб келяпти. Режим йўл қўяётган хатоларни билиб турибди. Ҳар бир воқеликка

ўз муносабатини маълум қияпти. Демак, мухолифатда давлат бошқариш, давлат қуриш борасида амалий тажриба йиғилмоқда.

Мухолифатнинг асосий кучи ташқарига чиқиб кетди. Бу ўзбек мухолифатига дунё сиёсий майдонларидаги вазиятни янада аниқроқ кузатиш имконини берди. Бугун ўзбек мухолифати жаҳон сиёсатини ҳар томонлама ўрганди, сиёсий маневрларга қараб вазиятни олдиндан тахмин қила олиш малакасини кўлга киритди.

Бургут боласини чиниқтириш учун баландликка олиб чиқиб ташлаб юборар экан. Бургутча то ерга тушгунча қанотини қоқиб, шамолга ва бошқа тўсиқларга қарши курашиб, уларни енгиб учиб кетаркан.

Одатда, болалиги қийинчилик билан ўтган кишилар келажакда катта ғалабаларга эришадилар. Тўкинлик ва фаровонликда улғайган болалар эса кўпинча принципсиз ва тегманозик бўлиб қолади.

Мухолифат яқин ўттиз йил олов ичида яшади. Мухолифат яқин ўттиз йил тўрт томонидан ўқталиб турилган тиглар ичида яшади. Мухолифат оловга ҳам, тигга ҳам қарши курашиш усуллари ўзлаштирди. Бу синовлар уни тоблади, пиширди. Биз бунинг якқол тимсолини Муҳаммад Солиҳда кўра оламиз.

Муҳаммад Солиҳга узоқ йилларки, мухолифат лидерлигини бермай келаётгани ҳам иддао қилиб турилади. Бу савол ушбу суҳбатда ҳам кўтарилди. Сиёсатчи бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган ёшлар келса, жон деб пенсияга чиқар эдим деди. У бу гапларини самимий айтди. Чунки мухолифат лидери бўлиш ҳавас қилинадиган ўрин эмас. У Каримовнинг курсиси эмас. Мухолифат лидери кеча-кундуз маза қилиб ҳузур-ҳаловатда яшайди дегани эмас. Балки унинг ҳаёти ҳамиша хавф остида. Душманлари пайт пойлаб қотил юборишади. У тушқунликка тушишга ҳақли эмас. Чунки миллионлаб одамлар унга кўз тикишган. У ўзидан кейин ҳам бу хайрли ишларни соф виждон билан давом эттирадиган самимий ёшларни топиши, уларни бирлаштириши ва

сиёсий, ҳаётий сабоқлари бериши лозим. Керак бўлса, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик этиши керак. Бу – чинакам йўлбошчининг хусусиятларидир.

Муҳаммад Солиҳ бу вазифаларни уддалаб келяпти.

Мардик, жасорат, кўркмаслик – ноёб фазилатдир. Чунки одам жони кўзга кўринганида ҳамма нарсасидан воз кечса-да, жонини сақлаб қолишга тиришади. Муҳаммад Солиҳ ўз фаолияти мисолида жасоратнинг қандай бўлишини амалий кўрсатиб берди. Бу билан у ўзининг яна бир миссиясини адо қилди.

Мен мустақилликнинг боласиман. Истиқлолнинг илк йилларида ақлимни танидим, мактабга бордим, университетни битирдим. Агар Муҳаммад Солиҳнинг тайёр тажрибаси, ўзбек мухолифатининг тарихи сабоғи кўз ўнгимда бўлмаганида бугун, эҳтимол, Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг аъзоси бўлмас эдим. Мен бугун ўзбек мухолифати юриб келган йўлдан қайта юришимга ҳожат йўқ. Мен ўзбек мухолифати ва унинг лидерига қараб нима қилишим кераклигини тушундим. Бу ўзим учун ҳаётимдаги энг тўғри қарор эди, иншаОллоҳ.

Кўпчиликка Каримов режими ағдарилиши учун яна узоқ вақт керакдек туюлиши мумкин. Вақт тез ўтяпти. Кўз очиб юмгунча Каримов режими тугашига шохид бўламиз, иншаОллоҳ. Шунда ҳукумат яна қандайдир жиноий гуруҳлар кўлига тушиб қолмаслиги учун ўзбек мухолифати миллат тарихида катта ўзгариш ясайди, иншаОллоҳ.

Умуман олганда, ўзбек мухолифатининг фаолияти келажакда ҳали батафсил ўрганилади. Бугун биз яшаётган Вақт келажакнинг тадқиқот манбасига айланади. Аммо у пайтда олимлар бугунги кунимизга қайтиб кела олмайдилар. Мен шу бугуннинг ичида туриб қатъият ва ишонч билан айтаманки, ўзбек мухолифати Муҳаммад Солиҳ бошчилигида зиммасидаги вазифани шараф билан адо этмоқда. Бу йўл йўловчисиз қолмайди, иншаОллоҳ.

Абдуллоҳ Нусрат

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА:
ЎЗБЕКИСТОН МХХСИННИГ
ВАЗИФАСИ МАМЛАКАТ
Х А В Ф С И З Л И Г И Г А
МАСЪУЛЛИКМИ, ЁИНКИ
ХУҚУҚБОНЛАРГА ЗУҒУМ
ЎТКАЗИШМИ?

Ўзбекистон ҳукумати МХХ
тизимининг хизмат ваколат
доирасини тушунаолмасдан
қолдим... Балки сиз тушунтириб
берарсиз?...

*Ўзбекистон Республикаси
Президентига
Нухаси: Ўзбекистон
Республикаси Сенатига
Ўзбекистон Республикаси Бош
Вазирига
Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурорига
Ўзбекистон Республкаси МХХ
раисига
Эшонқулова Малоҳат
Худжамовнадан
Тошкент шаҳри, Учтепа
тумани, Чилонзор, 23-мавзе,
16-уй, 39-хонадонда яшовчи
Моб. тел: +99893 5701747*

ШИКОЯТ АРИЗА

*(Тошкент шаҳар Учтепа туман
суд ижрочиси С. Абдувалиев суд
департаменти МХХ ходимлари
бошқаруви – тасарруфи остида
эканлиги хусусида гувоҳлик
берганлиги ҳақида)*

Мен мустақил журналист
ва ҳуқуқ фаолиман. Мустақил
журналист ва ҳуқуқбон сифатида
олиб борган фаолиятим учун
менга нисбатан 2011 йилнинг
27 июнь куни Жиноят ишлари
бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой
туман суди мени ЎзРесМЖТКнинг
201-моддаси 1-қисмида назарда
тутилган ҳуқуқбузарликни содир
этган деб топиб, энг кам иш ҳақининг
олтмиш баравари миқдорида –
2.984.100 (икки миллион тўққиз
юз саксон тўрт минг бир юз) сўм
миқдорида мутлақо ноқонуний
жарима жазоси, 2012 йилнинг
12 июнь куни Тошкент шаҳар
Мирзао Улуғбек туман суди менга
ЎзРесМЖТКнинг 201-моддаси
1-қисмида назарда тутилган
ҳуқуқбузарликни содир этган деб
топиб, энг кам иш ҳақининг саксон
баравари миқдорида – 5.033.600
(беш миллион ўттиз уч минг олти
юз) сўм миқдорида тамомила
асоссиз тарзда жарима жазоси,
2013 йилнинг 6 июль куни Жиноят
ишлари бўйича Қашқадарё вилояти
Қарши шаҳар суди эса менга
ЎзРесМЖТКнинг 201-моддаси



МХХнинг хизмат васифаси нимадан иборат?

1-қисмида назарда тутилган
ҳуқуқбузарликни содир этган деб
топиб, энг кам иш ҳақининг етмиш
беш баравари – 5.969.2500 (беш
миллион тўққиз юз олтмиш тўққиз
минг икки юз эллик сўм) сўм
миқдорида ғайриқонуний равишда
жарима жазоси тайинланган эди.

Юқоридаги жарималардан
иккитаси менинг Ўзбекистон
Республикаси Конституциясининг
33-моддасида белгилаб қўйилган
сиёсий ҳуқуқларимдан
фойдаланган ҳолда норозилик
пикети ўтказишга уринганлигим
сабабли, бири – Қашқадарё вилояти,
Қарши шаҳрида норозилик пикети
ўтказилаётган жараёнларни
журналист сифатида ёритиш
мақсадида вилоят прокуратураси
биноси қаршида ҳозир
бўлганлигим сабабли ноқонуний
тарзда қўлланилган. Мен ноқонуний
чиқарилган суд қарорларини бекор
қилишларини сўраб то ҳозирги
кунга қадар Олий судга мурожаат
қилиб келмоқдаман. Бироқ, шунга
қарамасдан, 2012 ва 2013 йиллар
давомида мен яшаётган уйдан
жаримани ундириш мақсадида
суд ижрочилари томонидан икки
маротаба мол-мулклар мусодара
қилиб кетилган. Бироқ, мазкур
мусодара қилинган мол-мулкларнинг
нархлаш далолатномаси қўлимга
берилмаган. Тошкент шаҳар,
Учтепа туман суд ижрочилари
томонидан мен истиқомат
қилаётган уйдаги уй жиҳозлари,
орг.техникалар давлат фойдасига
мусодара қилиб кетилган,
қўлимга мусодара қилинган
жиҳозлар рўйхати берилган
бўлса-да, туман суд ижрочилар

департаментига жиҳозларни
нархлаш далолатномасини
беришларини сўраб минг маротаба
борган бўлишимга қарамасдан,
“Эрта келинг, бошлиқ йўқ, муҳир
босилмаган, тайёр эмас, индин
келинг” деган асоссиз ваъдалар
билан менинг қўлимга нархлаш
далолатномаси хануз берилмаган.

2013 йилдан буён Тошкент шаҳар
Учтепа туман суд ижрочилари менга
яна қанча миқдорда қарздорлигим
борлиги ва уни қоплашим
тўғрисида бирор маротаба
огоҳлантириш хати беришмаган
ва оғзаки ҳам огоҳлантиришмаган.
ЎзРесМЖТКнинг 330-моддасида
Суд томонидан қўлланилган
жарима уч ой ичида суд ижрочилари
томонидан ундирилмаса, у уч ойдан
кейин ижрога қаратилмаслиги
таъкидланган. Мен мазкур қонун
талабидан келиб чиққан ҳолда, уч
ой ичида ундирилмаган жарималар
энди ижрога қаратилмаса керак
деган ҳаёлда юргандим.

Бироқ шу йилнинг — 2016
йилнинг 30 март куни кундуз соат
11.20 ларда қутилмаганда битта
милиция формасидаги – Тошкент
шаҳар Учтепа тумани, 23-мавзе,
Фарҳод маҳалласида жойлашган
40-сонли милиция таянч пункти
участка нозири Иззатилла
Ҳошимов ва 9 нафар фуқаро
кийимидаги йигитлар қўшнимнинг
алдов чақирувига асосан мен
истиколат қилаётган куёвимнинг
хонадонига бостириб киришди
ва “Яккасарой туман судидан
қарзингиз бор экан, ундиришга
келдик” деб ишга шунгиб кетишди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Улардан бири видеотасвирга ола бошлади. Мен ижрочиларга, “Бу хонадон яқингинада турмушга чиққан қизимнинг турмуш ўртоғига, куёвимга тегишли. Уй эгаларини чақираман. То уй эгалари келмагунча уйга киритмайман, ҳаққингиз йўқ” дейишимга қарамасдан, ўзларини “суд ижрочилари” деб таништирган 9 нафар фуқаро кийимидаги кишилар участка нозири иштирокида мен яшаётган уйга бостириб киришга угуришган эди. Мен тезда куёвимга қўнғироқ қилдим. У ишидан уйга етиб келди. Бироқ бу орада “ижрочи” йигитлар ҳали далолатнома тузмасданок орг. техникаларни бирин-кетин олиб тушиб кетиб бўлишганди. Етиб келган куёвим уй жиҳозлари ўзига тегишли эканлигини айтишига, қаршилик кўрсатишига қарамасдан, суд ижрочилари уларга тегишли бўлган мол-мулкларни ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетиб бўлишганди. Натижада, қизим билан куёвимнинг оиласи дарз кетди. Бундан қаттиқ изтиробга тушгач, суд ижрочиларининг ноҳақликларига чидай олмасдан, Президент девони олдида ўзимга ўт қўйиш орқали қонун идораларидаги ҳақсизликларга қарши исён қилиш тўғрисида баёнот бергандим. Бироқ, баёнотимдан хабар топган инсонпарвар ташкилотлар мени бу аҳдидан қайтаришди. Менга ҳомийлик қилиш, жарималаримни тўлаб бериш, куёвим билан қизимга тегишли мол-мулкларни қайтариб олиб бериш истагини билдиришди. Бунинг учун мен суд ижрочиларидан суд департаментининг ҳисоб рақамини ва айти дамда қанча қарздорлигим борлиги хусусидаги суд департаментининг маълумотномасини тақдим этсам бўлгани эди. Шу истақда мен 6 апрельдан буён Учтепа туман суд ижрочилар бўлимига қатнайман. Афсуски, бир ҳафта давомида Учтепа туман суд ижрочилар бўлими бошлиғи Махаммадиев Азамат Турсунбоевични ўз хизмат хонасидан топишнинг имкони бўлмади. Кунбўйи қабулхоналарини пойлашимга қарамасдан, котибалари гоҳ “Прокуратура чақиртирганди, кетган” дейишади, ва ё “Бетоб, биллентенга чиққанлар” деб жавоб қилишади. Шу боисдан мен истиқомат қилаётган куёвимнинг уйдан мол-мулкларини мусодара қилиб кетган

суд ижрочиси Сирож Абдувалиевга – 216-хонага 6 апрель куни соат 1.30 ларда боргандим. Ававалига Абдувалиев билан ноқонуний ҳаракатлари учун роса уришдим. Негаки, у куёвимнинг уйидаги яп-янги орг.техникаларнинг ишга яроқли ёки яроқсизлигига аниқлик киритмасдан, текшириб кўрмасдан, далолатнома тузмасдан, ўғрилардек, олиб қочиб кетган эди. Кейин Сирож –ижрочиға мақсадимни айтдим: “Сизларни деб қизимнинг оиласи нотинч бўлиб қолди. Мен қизим билан куёвимнинг жиҳозларини қайтаришим керак. Ҳомийлар топилди. Жуда шошилиңч. Менга айти дамда қанча миқдорда қарздорлигим қолганлиги хусусида маълумотнома ва суд департаментининг ҳисоб рақамини берсангиз. Жарималарни тўлиқ тўламоқчиман. Қайси ҳисоб рақамига қанча тўлашим керак. Шу ҳақида маълумотнома берсангиз. Куёвимнинг жиҳозларини зудлик билан қайтармасам бўлмайди” деб тушунтирдим. У биринчи куни бошлиққа кириш дейиш билан қаъноатланди. Мен бошлиқни кутдим. Бироқ А. Турсунбоевич шу куни ҳам, ундан кейинги куни ҳам ишга келмади. Айтишларича, прокуратурага кетган экан. Яна ноилоҳ 216-хонадаги ижрочи Сирожга учрашишга мажбур бўлдим. У “А. Махаммадиев номига талабингиз битилган бир варақ ариза ёзиб ташлаб кетинг, келиши билан уларга аризангизни етказаман” деди. Мен 7 апрель куни А. Махаммадиев номига “Мен истиқомат қилаётган хонадондан 2012, 2013 йил декабр ойида мусодара қилинган мол-мулкларнинг нархлаш далолатномасини ва айти дамда қанча қарздорлигим хусусида маълумотнома беришингизни сўрайман” деган мазмунда ариза ёзиб қолдирдим. Бироқ, ҳисоб рақами ва аниқ қарздорлигим миқдорига оид маълумотномани тезроқ қўлга киритиш мақсадида деярли ҳар куни эрталабдан то иш пайти тугагунга қадар гоҳ 216-хонага бориб, ижрочи Сирождан аризам жавобига оид маълумотнома сўрайман, гоҳ Махаммадиевни кутаман. Бироқ, 7 кундирки, аризамга жавоб олишнинг имкони бўлмаётир. Куни кеча ижрочи Сирож менга “Сиз кетаверинг, аризангизга қонунда белгиланган кунда жавоб олсангиз. Биз жавобни қўлингизга бермаймиз.

Почта орқали юборамиз. Уйингизга бориб, кутиңг” деган жавобни берди. Бундан чиқдики, суд ижрочилари менинг қарзимни тезроқ қоплашимни исташмас экан. Фуқароларнинг шикоятлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ, аризагига бир ой давомида жавоб берилиши белгилаб қўйилган. Наҳотки мен жарималаримни тўлаш учун қанча қарздорлигим қолганлиги хусусидаги маълумотномани ва тўлашим керак бўлган ҳисоб рақамини олиш учун суд ижрочиларидан бир ой давомида жавоб кутсам. Бу ақлга сиғмайдиган иш эмасми? “Ўзим шу ердман. Нега энди почта орқали жавоб қилишингиз керак экан. Жавобни ҳозироқ қўлимга беринг” деб талаб қилдим. Сирож эса “Қоидаси шунақа, тўғри тушунинг” деб жавоб беришдан бош тортди. Натижада у билан қаттиқ тортишиб қолишимга тўғри келди.

Иккинчи қаватда, фуқаролик суди раиси қабулига навбатда турганимда, Суд раиси қабулидан чиққан Сирож Абдувалиев менга кўзи тушди. Мен унга яқинлашиб, аризамга жавоб талаб қилдим. Шунда суд ижрочиси Сирож мени бир четга тортиб, “Опа, мен билан бекорга тортишяпсиз. Хонамга кириб кўрдингиз, хона тўла “дело”лар. Минглаб ижро ҳужжатлари йиллаб чанг босиб ётибди. Уч йил, ўн йил, ҳатто ўн беш йиллаб ижро қилинмасдан келаётган “дело”лар бор. Бу “дело”лар ижро бўладими, йўқми, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ҳеч кимни қизқирмайди ҳам. Биз оддий солдатмиз. Буйруққа итоат қиламиз холос. Биз сизнинг хонадонингизга ўз ихтиёримиз билан борган эмасмиз. Бизгатепадан шундай топшириқ бўлган. “Зудлик билан ижро қилинсин” дейилган. Кимнинг думини босим қўйгансиз? Шундай қилгандирсизки, сиз билан шахсан МХХ ходимлари қизиқиб қолишган. Бизга МХХдан қаттиқ топшириқ бўлмаганида тинчингизни бузмаган бўлардик” деди менга секингина.

Ҳурматли МХХ раиси Рустам ИНОЯТОВ!

Учтепа туман суд ижрочиси Сирож Абдувалиевнинг сўзларидан кейин мен Ўзбекистон ҳуқумати МХХ тизимининг хизмат ваколат доирасини тушунаолмасдан қолдим. Илтимос, менга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тушунтириб берсангиз?:

Рустам Иноятов раҳбарлиги остидаги ММХ нинг хизмат вазифаси мамлакат хавфсизлигини ҳимоя қилишдан иборатми? Ёхуд Ўзбекистонда фаолият юритаётган мен каби мустақил журналист ва ҳуқуқбонларга зуғум ўтказишдан, молиявий босим қилишдан, қадимизни ўлчаб юришдан, суд ижрочиларига кўрсатма беришдан иборатми?

То хануз Учтепа туман суд ижрочилари менга айни дамда суд томонидан солинган ноқонуний жарималардан қанча қарздорлигим қолганлиги тўғрисида ҳеч бир маълумот бермаётир. Маълумот беришдан бош тортмоқда. Иноятов, айтингчи, Учтепа туман суд ижрочилари сиз раҳбарлик

қилаётган МХХ хизматининг кўрсатмасига биноан менга қанча қарздорлигим қолганлиги хусусида аниқ маълумот беришмаяптими?

Нега суд ижрочиси Сирож Абдувалиев уйимга 10 киши бўлиб бостириб келди-ю, олиб кетилган мол-мулклар хусусидаги далолатномада бор-йўғи 4 нафар кишининг исм-шарифи кўрсатилган? Қолган 6 нафар кишилар кимлар эди? Ўша, ижрочи Сирож айтган МХХ ходимларимиди? (Уйимга ижрочилар билан бостириб кирган шахс томонидан тасвирга олинган видеотасвирларни кўришларингизни сўрайман).

Иноятов, сиз раҳбарлик қилаётган МХХ хизмати қачон ўз фаолияти билан шуғулланади? Қачон МХХ мустақил журналистлар, инсон ҳуқуқлари фаолларини,

муҳолифат вакиллари таъқиб этишни тўхтатади? Қачон ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бел боғлаган шахслар зуғум ўтказишни бас қиласизлар?

Ўзбекистон Республикаси МХХ хизматининг бошқа муҳим юмуши қолмаганими?

Учтепа туман суд ижрочиларига “Эшонқулова яшаётган хонадондан жаримани ундириш баҳонасида мол-мулкларни ноқонуний тарзда бўлса-да тезкорлик билан ундирилсин! Фойдаланаётган ноутбук”и қўлга киритилсин!” деган қабилидаги буйруқни қай бир МХХ ходими берган? Юқоридаги каби ноқонуний буйруқ берган МХХ тизимидаги масъулиятсиз ходимларни топиб, қонуний чора кўришингизни талаб қиламан.

Эшонқулова Малоҳат
12 апрель, 2016 йил.



Ўзбекистонда матбуот эркинлиги қай даражада?

“Чегара билмас муҳбирлар” халқаро нодавлат ташкилотининг бутун жаҳон матбуот эркинлиги индексида Ўзбекистон 180 мамлакат ичида 166-ўринда.

Матбуот эркинлиги индекси – бу ҳар йил жаҳон давлатларидаги вазиятни тадқиқ қилиб, муассасаларда матбуот эркинлигига тегишли маълумотлар бўйича ташкилотларни баҳолашга асосланган, “Чегара билмас муҳбирлар” ташкилоти томонидан тузиладиган ва эълон қилинадиган маълумотдир. Баллар қанчалик кам бўлса шунчалик матбуот эркинлиги ҳақида гувоҳлик беради.

“Ўзбекистон мустақилликка эришган 1991 йилдан буён президентлик қилиб келаётган Каримов ўз мамлакатини қатъий цензура остида ушлаб келмоқда. Камида 9 та журналист жуда ёмон шароитларда қамоқхоналарда азоб чекишмоқда. Улар қаторида 2013 йил “Чегара билмас муҳбирлар”

мукофоти билан тақдирланган Мухаммад Бекжон ҳам бор. Оммавий ахборот воситалари устидан ўрнатилган тўлиқ назоратдан кўнгли тўлмаган ҳукумат, охириги йилларда интернет цензураси борасида ҳам ўз услубларини такомиллаштирди, оқибатда яширин равишда чет

эл ОАВлари билан ҳамкорлик қиладиган шундай ҳам оз сонли мустақил журналистларга нисбатан босимни янада кучайтирди”,- деб таъкидаланади ташкилот ҳисоботида.

Ўрта Осиё мамлакатларидан шунингдек: Туркменистон 178 ўринда, Қозоғистон 160, Тожикистон 150-поғонани эгаллаган (34 поғона пастга тушган), Қирғизистон 85-ўринда (ўз ўрнини 3 поғона яхшилашга эришган).

Матбуот эркинлиги рўйхатида одатдагидек скандинавия давлатлари етакчилик қилишмоқда: Финландия, Голландия ва Норвегия. Рейтингнинг сўнгги поғоналарини Туркменистон, Шимолий Корея ва Эритерия эгаллаган.

“Кўплаб давлат раҳбарлари мустақил журналистлар томонидан қилинадиган қонуний танқидга деярли параноик муносабат кўрсатишади. Авторитарик

президентлар ва ҳукуматлар қонунлар кўмагида ўзларини ҳар қандай танқиддан ҳимоя қилишса, бу барча сиёсий муҳокамаларни бўғди ва ўз-ўзини цензура қилишга йўл очиб беради, ваҳоланки фаол, полемик ОАВлар айнан муаммолар энг жиддий жойларда керак ва жамият келажак учун энг қулай йўлни танлай олиши лозим”,- дея таъкидлади “Чегара билмас муҳбирлар” ташкилоти вакили Михаэль Редиске (Michael Rediske).

Ушбу индекс у ёки бу мамлакатда қўлланиладиган матбуот, намойиш ва жонли узатиш оммавий ахборот воситалари, журналистлар ва ахборот ташкилотларининг эркинлик даражасини, ҳамда ҳукуматларнинг ушбу эркинликни ҳурмат қилиши ва ҳурмат қилинишини таъминлаш учун ҳатти-ҳаракатларини баҳолайди.

Ушбу ҳисобот “Чегара билмас муҳбирлар” ташкилоти ва унинг дунё бўйлаб 130 нафар муҳбирларига, шунингдек журналистлар, тадқиқотчилар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги юрист ва фаолларга жўнатилган сўровномаларга асосланган.

Сўровномада, оммавий ахборот воситалари ва журналистларга уюштирилган бевосита ҳужумлар, ҳамда матбуот эркинлигига билвосита манбалар томонидан ўтказилган босимлар ҳақидаги саволлар мавжуд.

ЎХХ хабарлар бўлими



Муҳаммад Солиҳ билан жонли мулоқот

BBC O'zbek ахборот агентлиги Facebook ижтимоий тармоғида Муҳаммад Солиҳ билан жонли мулоқот ўтказди.

Муҳаммад Солиҳ: «Мен ҳукуматнинг иқтисодий тараққиёт бўйича берган маълумотларига ишонмайман. Агар бу маълумотлар рост бўлар эди, миллионлаб одамлар ватанни тарк этмасдилар...»

Муҳаммад Солиҳ: «Зайниддин Асқаров ҳақиқатни айтди. У бизнинг айбдор эмаслигимизни айтди ва жойи жаннатдан бўлсин»

Муҳаммад Солиҳ: «Турк жумҳуриятларининг иқтисодий, конфедератив шаклда бирлашувини мен қўллаб қувватлайман...»

Муҳаммад Солиҳ: «Уруш сиёсатни оқламайди, аммо сиёсат урушни оқлайди...»

Муҳаммад Солиҳ: «Ўзбекистонда диндорларга нисбатан босим давом этмоқда.»

Муҳаммад Солиҳ: «Халқ бу забун ва тушқун ҳолатига рози экан, зулм давом этади... Халқ уйғонса, халқ, Чўлпон айтганидай денгиз бўлади, куч бўлади...»

Муҳаммад Солиҳ: «Мен оптимистман, тушқун бир инсон эмасман... Биз Ўзбекистонга албатта қайтамиз ИншаАллоҳ»

Муҳаммад Солиҳ: «Албатта, Ўзбекистонда режим ўзгарсагина қайтишимиз мумкин Ўзбекистонга...»

Муҳаммад Солиҳ: «Мен Ўзбек халқига ҳеч нарса бермадим. Зотан, бир нарса бераман деб бу ишни бошламаганман. Мен халқимизга хизмат қиламан деб сиёсатга кирганман...»

Муҳаммад Солиҳ: «Дастур дегани бу кулгули бир нарса... уни бир кунда ёзиб чиқариш мумкин, аммо бир инсон топилсин халққа ҳуррият берадиган!»

Муҳаммад Солиҳ: «Мен демократман деб айтишга тортинаман, ростини айтсам, чунки демократияномибиланқилинаётган адолатсизликлар мени ташвишга солади. Мен демократмиз деган давлатларда ҳам бир иккиюзлик кўрдим. Ўтган аср тўқсонинчи йилларида мен демократия ишондим. Аммо ватанни тарк этиб... демократияни суистеъмол кулолига айлантиришганини кўрдим...»

Муҳаммад Солиҳ: «Мен шеърларимни эълон қилаверишни ёқтирмайман... Шеърят ўз ўзини ифода этиш қилишнинг энг нафис услуби. Аммо 25 йилдан бери сарсон юрик ва менда шеър учун керак бўлган сукунат ва фузун йўқ... Аммо бир кун келар бундай кун, ИншаАллоҳ»

Муҳаммад Солиҳ: «Руслар билан алоқаларимизни яхшилашимиз керак. Имкони бўлса дўст, бўлмаса ҳамкор бўлишимиз керак... Аммо эҳтиёт бўлишимиз керак, чунки уларнинг эски Шўро жумҳуриятларига нисбатан уларда гегемонлик ҳисси ҳамон сўнгани йўқ...»

Муҳаммад Солиҳ: «Ҳозирги давр ёмонликларнинг талвасаси деб ўйлайман, аммо назаримда, дунё маърифат ва маданият томон кетмоқда...»

Муҳаммад Солиҳ: «Каримов мустақилликнинг душмани эди... Тўқсонинчи йилларда у мустақилликка қарши курашган лидерлардан бири эди. Мен шохидиман буни. Мен парламент аъзоси эдим. Ўшанда у биз минбарлардан мустақиллик талабини айтсак, у чиқиб «булар Ўзбекистонни жарга олиб боради, Афғонистон мужоҳидлари мустақил бўлсак бизни босиб олади» деган эди...»

Муҳаммад Солиҳ: «Мен Каримов режими бор экан, сайловга ишонмайман... Унга айтадиган ҳеч бир гапим йўқ. Унга гап ҳам таъсир қилмайди. Шунинг учун ҳам унга мурожаат қилишдан маъни йўқ...»

Манба: BBC O'zbek

Гулнора Каримова судга берилди

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, АҚШ Адлия Вазирлиги Гулнора Каримова ва унинг шерикларини 21 апрель куни Нью-Йоркдаги Манхэттен федерал судига берган.

АҚШ Адлия Вазирлиги Президент Ислом Каримовнинг тўнғич қизи ва унинг бир неча яқин шерикларини Швейцария банк ҳисобларида сақланаётган 550 миллион доллардан кўпроқ маблағни топшириш ҳақидаги АҚШ ҳукумати талабини менсимасликда айбламоқда.

Манхэттен федерал судига ариза билан чиққан прокурорларга кўра, Гулнора Каримова ва унинг шериклари учта банк рақами юзасидан февраль ойида юборилган шикоят аризасига жавоб бермаганлар. Мазкур аризада Гулнора Каримова тилга олинмаган.

Унда фақат «Ўзбекистон ҳукуматидаги юқори мартабали расмийнинг яқин қариндоши бўлган ҳукумат расмийига» пора берилгани таъкидланган. Аммо, Адлия Вазирлигининг бу галги аризасида Гулнора Каримова ва шериклари исмлари келтирилган.

Ушбу иш қароргоҳи Амстердамда жойлашган VimpelCom ширкати устидан кўзғатилган коррупция ишига таллуқдир. VimpelCom Ўзбекистондаги унга қарашли Unitel шуъбасининг фаолиятига боғлиқ мазкур ишни ёпиш учун АҚШ ва Ҳолландия назорат идораларига 795 миллион АҚШ доллари миқдорига жарима тўлашга рози бўлган эди.

Гулноранинг шериклари

АҚШ Адлия Вазирлиги Гулнора Каримовадан ташқари яна олти шахс ва икки ширкат, жумладан Гибралтарда рўйхатдан ўтган Takilant Ltd ширкатини судга берган. Аризада Takilant ширкати «Ўзбекистон президентининг қариндоши» эгалик қилиши билдирилган.

Шу йил январидега Ўзбекистон ҳукумати музлатилган пуллар жиноятчилар тарафидан ўмарилгани ва мамлакатга қайтарилиши лозимлиги айтилган мактуб билан АҚШга мурожаат қилган эди.

Ўзбекистон Адлия вазири Музраф Икромов имзоси билан жўнатилган мактубда жиноятчилар орасида Гулнора Каримованинг исми келтирилмаган, лекин унинг жазмани Рустам Мадумаров ва хос ёрдамчиси Гаяне Авакянлар асосий жинояткорлар сифатида тилга олинганди.

Хабарларга кўра, Ўзбекистон президентининг матбуот хизмати ва Вашингтондаги Ўзбекистон элчихонаси АҚШ Адлия Вазирлигининг сўнги аризаси бўйича ҳозирга қадар изоҳ бермаган.

УХХ хабарлар бўлими

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА:
СУД ИЖРОЧИЛАРИГА СУД
ТОМОНИДАН СОЛИНГАН
НОҚОНУНИЙ ЖАРИМАЛАРНИ
ҚАЙСИ ҲИСОБ РАҚАМИГА
ТЎЛАШИМ КЕРАК ДЕБ
МУРОЖААТ ҚИЛСАМ, 13 КУН
ДАВОМИДА ҲИСОБ РАҚАМИНИ
БЕРМАСДАН, СИР ТУТИБ,
14 КУНИ ЯНА НОҚОНУНИЙ
МУСОДАРА ҲАРАКАТЛАРИНИ
ДАВОМ ЭТТИРДИ....

*Ўзбекистон Республикаси
Президентига
Нухаси: Ўзбекистон
Республикаси Сенатига
Ўзбекистон Республикаси Бош*



жихозлар рўйхати берилган бўлса-да, туман суд ижрочилар департаментига жихозларни нархлаш далолатномасини беришларини сўраб минг маротаба борган бўлишимга қарамасдан, “Эрта келинг, бошлиқ йўк, муҳир босилмаган, тайёр эмас, индин келинг” деган асоссиз важлар билан менинг қўлимга нархлаш далолатномаси ҳануз берилмаган.

Шунингдек, 2013 йилнинг декабр ойида Учтепа туман ИИБ биноти Терроризмга қарши кураш бўлими ходимлари хонасида Учтепа туман суд ижрочилари томонидан менга тегишли бўлган бир дона видеокамера ва бир дона телефон

Малоҳат Эшонқулова: Ноқонуний мусодара ҳаракатлари давом этмоқда

*Вазирига
Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурорига
Ўзбекистон Республикаси МХХ
раисига
Ўзбекистон Республикаси
Адлия Вазирига
Ўзбекистон Республикаси Суд
департаменти директорининг
ўринбосари –
Суд қарорларини ижро этиш
бошқармаси бошлиғи Орзиев
Толибжон Назаровичга*

*Эшонқулова Малоҳат
Худжамовнадан
Тошкент шаҳри, Учтепа
тумани, Чилонзор, 23-мавзе,
16-уй, 39-хонадонда яшовчи
Моб.тел: +99893 5701747*

ШИКОЯТ АРИЗА

(Тошкент шаҳар Учтепа туман суд ижроси С. Абдувалиев суд департаменти МХХ ходимлари бошқаруви – тасарруфи остида эканлиги хусусида гувоҳлик берганлиги ҳақида)

2011 йилнинг 27 июнь куни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яққасарой туман суди мени ЎзРесМЖТКнинг 201-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топиб, энг кам иш ҳақининг олтмиш баравари миқдорида – 2.984.100 (икки миллион тўққиз юз саксон тўрт минг бир юз) сўм миқдорида мутлақо ноқонуний жарима жазоси, 2012 йилнинг 12 июнь куни Тошкент шаҳар Мирзао Улуғбек туман суди менга ЎзРесМЖТКнинг 201-моддаси 1-қисмида назарда тутилган

ҳуқуқбузарликни содир этган деб топиб, энг кам иш ҳақининг саксон баравари миқдорида – 5.033.600 (беш миллион ўттиз уч минг олти юз) сўм миқдорида тамомила асоссиз тарзда жарима жазоси, 2013 йилнинг 6 июль куни Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар суди эса менга ЎзРесМЖТКнинг 201-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топиб, энг кам иш ҳақининг етмиш беш баравари – 5.969.2500 (беш миллион тўққиз юз олтмиш тўққиз минг икки юз эллик сўм) сўм миқдорида ғайриқонуний равишда жарима жазоси тайинланган эди.

Юқоридаги жарималардан иккитаси менинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида белгилаб қўйилган сиёсий ҳуқуқларимдан фойдаланган ҳолда норозилик пикети ўтказишга уринганлигим сабабли, бири – Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида норозилик пикети ўтказилаётган жараёнларни журналист сифатида ёритиш мақсадида вилоят прокуратураси биноти қаршида ҳозир бўлганлигим сабабли ноқонуний тарзда қўлланилган. Мен ноқонуний чиқарилган суд қарорларини бекор қилишларини сўраб то ҳозирги кунга қадар Олий судга мурожаат қилиб келмоқдаман.

Бироқ, шунга қарамасдан, 2012 йилнинг охирида Тошкент шаҳар, Учтепа туман суд ижрочилари томонидан мен истиқомат қилаётган уйдаги уй жиҳозлари, орг.техникалар давлат фойдасига мусодара қилиб кетилган, қўлимга мусодара қилинган

аппарати мусодара қилинди. Бироқ мусодара қилинган мазкур орг.техникаларнинг нархлаш далолатномаси ҳам мурожаат қилишларимга қарамасдан қўлимга берилмади. Шу боисдан ҳам мен айти кунда мен истиқомат қилаётган хонадондан қанча миқдорда мол-мулк мусодара қилинганлиги хусусида маълумотга эга эмасман. Табиийки, шунинг асносида мен айти дамда судлар томонидан солинган ноқонуний жарималардан неча сўмлик қарздорлигим қолганлигидан ҳам мутлақо беҳабарман. Қолаверса, 2013 йилдан буён Тошкент шаҳар Учтепа туман суд ижрочилари менга яна қанча миқдорда қарздорлигим борлиги ва уни қоплашим тўғрисида бирор маротаба огоҳлантириш хати беришмаган ва оғзаки ҳам огоҳлантиришмаган. ЎзРесМЖТКнинг 330-моддасида Суд томонидан қўлланилган жарима уч ой ичида суд ижрочилари томонидан ундирилмаса, уч ойдан кейин ижрога қаратилмаслиги таъкидланган. Мен мазкур қонун талабидан келиб чиққан ҳолда, уч ой ичида ундирилмаган жарималар энди ижрога қаратилмаса керак деган ҳаёлда юргандим.

Бироқ шу йилнинг — 2016 йилнинг 30 март куни кундуз соат 11.20 ларда кутилмаганда битта милиция формасидаги ва 9 нафар фуқаро кийимидаги йигитлар қўшнимнинг алдов чақирувига асосан мен истиқомат қилаётган куёвимнинг хонадонига бостириб киришди ва “Яққасарой туман

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

судидан қарзингиз бор экан, ундиришга келдик” деб ишга шунгиб кетишди. Улардан бири видеотасвирга ола бошлади.

Мен ижрочиларга, “Бу хонадон яқингинада турмушга чиққан қизимнинг турмуш ўртоғига, куёвимги тегишли. Уй эгаларини чакираман. То уй эгалари келмагунча уйга киритмайман, ҳаққингиз йўқ” дейишимга қарамасдан, ўзларини “суд ижрочилари” деб таништирган 9 нафар фукаро кийимидаги кишилар участка нозири иштирокида мен яшаётган уйга бостириб киришга улгуришган эди.

Мен тезда куёвимга кўнғироқ қилдим. У ишдан уйига етиб келди. Бироқ бу орада “ижрочи” йигитлар ҳали далолатнома тузмасданок орг. техникаларни бирин-кетин олиб тушиб кетиб бўлишганди. Етиб келган куёвим уй жиҳозлари ўзига тегишли эканлигини айтишига, қаршилиқ кўрсатишига қарамасдан, суд ижрочилари “Фукаролик судига мурожаат қилиб, қайтариб олишингиз мумкин” деганча, олиб чиқиб кетишди.

Натижада, қизим билан куёвимнинг оиласи дарз кетди. Бундан қаттиқ изтиробга тушгач, суд ижрочиларининг ноҳақликларига чидай олмадан, Президент девони олдида ўзимга ўт кўйиш орқали қонун идораларидаги ҳақсизликларга қарши исён қилиш тўғрисида баёнот бергандим.

Бироқ, баёнотимдан хабар топган инсонпарвар ташкилотлар мени бу аҳдимдан қайтаришди. Менга ҳомийлик қилиш, жарималаримни тўлаб бериш, куёвим билан қизимга тегишли мол-мулкларни қайтариб олиб бериш истагини билдиришди. Бунинг учун мен суд ижрочиларидан суд департаментининг ҳисоб рақамини ва айна дамда қанча қарздорлигим борлиги хусусидаги суд департаментининг маълумотномасини такдим этсам бўлгани эди. Шу истакда мен 6 апрельдан буён Учтепа туман суд ижрочилар бўлимига қатнашман. Афсуски, бир ҳафта давомида Учтепа туман суд ижрочилар бўлими бошлиғи Махамдиев Азамат Турсунбоевични ўз хизмат хонасидан топишнинг имкони бўлмади. Кун бўйи қабулхоналарини пойлашимга қарамасдан, котибалари гоҳ “Прокуратура чақиртирганди, кетган” дейишади, ва ё “Бетоб, биллютенга

чиққанлар” деб жавоб қилишади. Шу боисдан мен истиқомат қилаётган куёвимнинг уйидан мол-мулкларини мусодара қилиб кетган суд ижрочиси Сирож Абдувалиевга – 216-хонага 6 апрель куни соат 1.30 ларда боргандим. Ававалига Абдувалиев билан ноқонуний ҳаракатлари учун роса уришдим. Негаки, у куёвимнинг уйидаги яп-янги орг.техникаларнинг ишга яроқли ёки яроқсизлигига аниқлик киритмасдан, текшириб кўрмасдан, далолатнома тузмасдан, ўғрилардек, олиб қочиб кетган эди. Кейин Сирож –ижрочиға мақсадимни айтдим: “Сизларни деб қизимнинг оиласи нотинч бўлиб қолди. Мен қизим билан куёвимнинг жиҳозларини қайтаришим керак. Ҳомийлар топилди. Жуда шошилишч. Менга айна дамда қанча миқдорда қарздорлигим қолганлиги хусусида маълумотнома ва суд департаментининг ҳисоб рақамини берсангиз. Жарималарни тўлиқ тўламоқчиман. Қайси ҳисоб рақамига қанча тўлашим керак. Шу ҳақида маълумотнома берсангиз. Куёвимнинг жиҳозларини зудлик билан қайтармасам бўлмайди” деб тушунтирдим. У биринчи куни бошлиққа киринг дейиш билан қаъноатланди. Мен бошлиқни кутдим. Бироқ А. Турсунбоевич шу куни ҳам, ундан кейинги куни ҳам ишга келмади. Айтишларича, прокуратурага кетган экан. Яна ноилоҳ 216-хонадаги ижрочи Сирожга учрашишга мажбур бўлдим. У “А. Махамдиев номига талабингиз битилган бир варақ ариза ёзиб ташлаб кетинг, келиши билан уларга аризангизни етказаман” деди. Мен 7 апрель куни А. Махамдиев номига “Мен истиқомат қилаётган хонадондан 2012, 2013 йил декабр ойида мусодара қилинган мол-мулкларнинг нархлаш далолатномасини ва айна дамда қанча қарздорлигим хусусида маълумотнома беришингизни сўрайман” деган мазмунда ариза ёзиб қолдирдим. Бироқ, ҳисоб рақами ва аниқ қарздорлигим миқдорига оид маълумотномани тезроқ қўлга киритиш мақсадида деярли ҳар куни эрталабдан то иш пайти тугагунга қадар гоҳ 216-хонага бориб, ижрочи Сирождан аризам жавобига оид маълумотнома сўрайман, гоҳ Махамдиевни кутаман. Бироқ, 7 кундирки, аризамга жавоб олишнинг имкони бўлмаётир. Куни кеча ижрочи Сирож менга “Сиз



кетаверинг, аризангизга қонунда белгиланган қунда жавоб оласиз. Биз жавобни қўлингизга бермаймиз. Почта орқали юборамиз. Уйингизга бориб, кутинг” деган жавобни берди. Бундан чиқдики, суд ижрочилари менинг қарзимни тезроқ қоплашимни исташмас эканда. Фукароларнинг шикоятлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ, аризага бир ой давомида жавоб берилиши белгилаб қўйилган. Наҳотки мен жарималаримни тўлаш учун қанча қарздорлигим қолганлиги хусусидаги маълумотномани ва тўлашим керак бўлган ҳисоб рақамини олиш учун суд ижрочиларидан бир ой давомида жавоб кутсам. Бу ақлга сиғмайдиган иш эмасми? “Ўзим шу ерданман. Нега энди почта орқали жавоб қилишингиз керак экан. Жавобни ҳозироқ қўлимга беринг” деб талаб қилдим. Сирож эса “Қоидаси шунақа, тўғри тушунинг” деб жавоб беришдан бош тортди. Натижада у билан қаттиқ тортишиб қолишимга тўғри келди.

Иккинчи қаватда, фукаролик суди раиси қабулига навбатда турганимда, Суд раиси қабулидан чиққан Сирож менга кўзи тушди. Мен унга яқинлашиб, аризамга жавоб талаб қилдим. Шунда суд ижрочиси Сирож мени бир четга тортиб, “Опа, мен билан бекорга тортишяпсиз. Хонамга кириб кўрдингиз, хона тўла “дело”лар. Минглаб ижро ҳужжатлари йиллаб чанг босиб ётибди. Уч йил, ўн йил, ҳатто ўн беш йиллаб ижро қилинмасдан келаётган “дело”лар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бор. Бу “дело”лар ижро бўладими, йўқми, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ҳеч кимни қизиқтирмайди ҳам. Биз оддий солдатмиз. Буйруққа итоат қиламиз холос. Биз сизнинг хонадонингизга ўз ихтиёримиз билан борган эмасмиз. Бизга тепадан шундай топшириқ бўлган. “Зудлик билан ижро қилинсин” дейилган. Кимнинг думини босим қўйгансиз? Шундай қилгандирсизки, сиз билан шахсан МХХ ходимлари қизиқиб қолишган. Бизга МХХдан қаттиқ топшириқ бўлмаганида тинчингизни бузмаган бўлардик” деди менга секингина.

1) Суд департаменти МХХ қўлидаги кўғирчоқми? Суд Департаменти Адлия Вазирлиги тасарруфида эмасми? Мустақил ташкилот эмасми? Суд ижрочиларининг ноқонуний ҳаракат қилишлари мумкинми?

2) Нега энди мен суд жарималарини тўлашим учун айна дамда қанча қарздорлигим қолганлиги хусусидаги суд департаментидан маълумотнома олишим учун бир ой кутишим керак?

3) Учтепа туман суд ижроچиси Сирож Абдувалиев нега қарздорлигимни қоплаш хусусида огоҳлантириш бермасдан туриб мен истиқомат қилаётган уйга қўққисидан бостириб келади? Шунга ҳаққи борми? Мен ундан “Нега огоҳлантириш бермадинглар?” деб сўрасам, “Нега берар эканмиз? Мабодо, огоҳлантириш юборсам, сиз уй жиҳозларини яшириб қўярдингиз” деб жавоб қилди. Шу ижрочи учун жоизми?

4) Нега суд ижроچиси Сирож Абдувалиев уйимга 10 киши бўлиб бостириб келди-ю, олиб кетилган мол-мулклар хусусидаги далолатномада бор-йўғи 4 нафар кишининг исм-шарифи кўрсатилган? Қолган 6 нафар кишилар кимлар эди? Ўша, ижрочи Сирож айтган МХХ ходимларимиди? (Уйимга ижрочилар билан бостириб кирган шахс томонидан тасвирига олинган видеотасвирларни кўришларингизни сўрайман).

5) Нима учун ижрочи С. Абдувалиев аввалига уй жиҳозларини хатламасдан туриб, бостириб кирган 10 нафар шахслар кўмагида жиҳозлар ва орг.техникаларни битта-битта ташмалаб кетди, нега аввалига

далолатнома тузмади, орг. техникаларнинг яроқли ва ё яроқсиз эканлигини текширмади? Ижрочининг шу ҳаракатлари қонунга не чоғлик тўғри келади?

6) Нега энди суд ижроچиси С. Абдувалиев мен истиқомат қилаётган қонунан куёвимнинг хусусий мулки бўлган уйдан қизим ва куёвимга тегишли бўлган уй жиҳозлари, орг.техникаларни гарчи уй ва мол-мулк куёвимники эканлигини билган ҳолда қасддан олиб чиқиб кетди. Ижрочи учун кимга тегишли эканлигининг аҳамияти қўйми? Ижрочи учун қўлига илинган нарсани қонунийми, йўқми, мусодара қилиб кетаверсагина ҳисобми?

7) Энг қизиғи, суд ижроچиси С. Абдувалиев куёвимнинг уйдан олиб кетилган мол-мулклар хусусидаги далолатномага “Мулкый аҳволни ўрганиш ҳақида” деб далолатнома тузганлиги мени ниҳоятда таажжублантирди. Нега энди “Мулкый аҳволни ўрганиш ҳақида”? Нега энди “Мол-мулкни мусодара қилиш ҳақида” эмас?

8) Суд ижрочиларининг 2016 йил 30 сентябрь куни куёвимнинг хусусий мулки бўлган уйдан қизим ва куёвимга тегишли бўлган мол-мулкларни мусодара қилишга оид Далолатномасига битта суд ижрочиси, битта участка нозир, икки нафар ҳолис имзо чеккан холос. Бироқ, 2016 йилнинг 30 март куни тахминан соат 11.20 ларда мен истиқомат қилаётган куёвимнинг уйига қўшнининг алдов чақирувига асосан “Суд ижрочилари” ниқоби остида 10 нафар ўзини таништирмаган нотаниш шахслар бостириб киришганди. Мен Учтепа туман суд ижрочилар бўлими бошлиғи Махаммадиевдан, уйимга бегона шахслар билан бостириб кирган суд ижрочиси Сирож Абдувалиевдан уйимга кирган қолган 6 нафар – мазкур далолатномага киритилмай қолдирилган шахслар кимлар эканлигига аниқлик киритиб беришларини талаб қиламан. Кимлар эди улар? МХХ ходимларимиди?

Юқоридаги каби ғайриқонуний ҳаракатлари учун С. Абдувалиевга нисбатан чора кўришингизни ва менга айна дамда қанча қарздорлигим мавжудлиги хусусида маълумотнома беришларида амалий кўмаклашишингизни сўрайман.

Эшонкулова Малоҳат
12 апрель, 2016 йил

Туркман-Афғон чегарасида вазият НОТИЧ

Туркменистоннинг Афғонистон билан чегарада юзага келган вазият боис, Мари худудида мамлакат қуроли кучлари жанговор ҳолатга келтирилгани айтилмоқда.

Жанубий Мари вилоятида апрел оyi бошидан бери вазият таранг қолмоқда.

Олдин тарқалган хабарларга биноан, Толибон, «Исломи давлат» жангари гуруҳи ва кичик маҳаллий қуроли гуруҳлар Марказий Осиё билан чегара худудларда тўплана бошлаганлар.

Туркменистон ҳукумати ҳарбий ҳаракатлар мамлакат худудига ўтишидан хавотирда.

«Хроника Туркменистана» нашрининг ўз манбаларига таяниб айтишича, айна пайтда чегара ва ҳарбий бўлинмалар кучайтирилган шароитда туришибди.

Манбаларнинг билдиришича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматлари ҳам кучайтирилган тартибда ишламоқда. Серхетобод(собиқ Кушка) ва Тахтабозорда фақат маҳаллий одамлар ўтказилмоқда. Мари-Серхетобод, Мари-Тахтабозор автотрассаларида ва бошқа чегара туманларида ҳам блокпостлар ўрнатилган.

Тунги соатларда қуроли кучлар сафи кўпайтирилмоқда.

Шунингдек, қўшни Қирғизистон, Ўзбекистонда ҳам чегара қўшинлари юқори тайёргарлик ҳолатига келтирилгани хабар қилинади.

Қирғизистоннинг Боткен вилоятида «Хавфсизлик-2016» амалиёти бошланган.

Тожикистон ҳам чегарада хавфсизлик чораларини кучайтирган.

Афғонистондан келаётган хабарларга кўра, Қундуз вилоятида толиблар ва ҳукумат кучлари ўртасида қақшатқич жанглар кетмоқда. Суриядаги ўзбек жангчиларидан иборат Ал-Бухорий жангари гуруҳига кўра, Марказий Осиё билан чегарадош Афғонистонда ўзининг «Афғон бўлими» аскарлари жанглар олиб бормоқда.

Манба: bbc.com/uzbek



ЎЗБЕКИСТОНДА “НАРМАЛНИЙ” КАДРЛАР ҚОЛМАЯПТИ

Ўзбекистонда бугун ҳамма мансаблар, иш ўринлари сотилади. Ҳатто, хожатхонада қоғоз йиртиб ўтириш учун ишга кираман десангиз ҳам, озгина қистирмасангиз бўлмайди. “Мақтаб-интернат” деган сўз сизга танишми? Таниш бўлса керак. Боқувчиси йўқлар, боқувчиси бўлса ҳам, ақлий ёки жисмоний заифроқ болалар тарбияланадиган мактабни Ўзбекистонда “мақтаб-интернат” номи билан аташади.

Мақтаб-интернатда ишлаш осон эмас. Чунки ақлан ўсмай қолган ва ўсмаётган болаларни тарбиялаш ҳамда уларни ўқитиш жуда машаққат. Шунинг учун Ўзбекистонда бу мактаб ходимларига бошқа мактабларга қараганда бир ярим баравар кўп ойлик беришади. Масалан, мактабда ўқитувчи бир миллион ойлик олса, интернатда бир ярим миллион олишади. Шунинг учун туппа-тузук муаллимлар беш юз минг кўпроқ пул олиш илинжида мактабда дарс бериш ўрнига интернатда ақли ноқис болаларга тарбиячилик қилишни маъқул кўрадилар гоҳо.

Ўзбекистонда шундай мактаб-интернатлардан бирида бугун директор йўқ. Чунки аввалги директор жиноят билан ишдан бўшади. Албатта, жинояти пора ва валдираш билан боғлиқ. Биз ўша мактаб-интернатнинг рақами, жойлашган жойини келтириб ўтирмаймиз. Аммо баён этаётганимиз мутлақ ҳақиқат. Мақсадимиз – фактларга диққатингизни жалб қилиб ўтириш эмас, Ўзбекистонда пора системасининг қанчалик чуқур илдиз отганига бир далил кўрсатишдир.

Хуллас, мактаб директор ишдан кетгач, унинг ўрнига тайинлаш учун ўша худудда – туманда бирорта муносиб раҳбар топилмаяпти. Аслида, собиқ директор ҳам муносиб бўлмаган.

Туман ҳокимлиги директор тайинлаш керак – одам йўқ!

Шу ўринда қисқа лирик чекиниш ила айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда кадрлар ҳамиша муаммо. Давлаттизимда – ишонинг, шубҳа қилманг, балки буни мендан тузукроқ биларсиз – бирор нафар истеъдодли, салоҳиятли, илмли кадр қолмаган. Давлат идораларида ишлаётган хизматчилар ўз вазифасини тушунмайди. Ҳужжат ишларида, фармойишларда доимо пала-партишлик ҳукмрон. Мақтаб-интернатда ҳам шу муаммо.

Шу ерда мактаб-интернатнинг ойлиги оҳанрабои билан ишга келган бир ўқитувчида яхшигина салоҳият бор. Бироз вақт аввал у директор вазифасини бажарувчи ҳам бўлган. Соҳани яхши тушунади. Туман ҳокими ўринбосари уни чақирган ва деган: “Опа, ўн минг доллар беринг. Сизни директор қиламиз. Шундан беш минг вазирликка, уч минг ҳокимга, икки минг менга қолади. Узингиз мени ўқитган устозимсиз. Ишониб ҳаммасини айтдим. Шунча пул қаерга кетаркан деманг деб. Фақат бу пулни берганингизни эрингиз ҳам, укангиз ҳам, қисқаси, ҳеч ким билмасин!”

Номзоднинг жаҳли чиқиб кетган: “Менга қара, бошқа опаларингга ўхшаб менинг бойвачча ўйнашим йўқ! Эримга, укамга айтмасдан бу пулни гўрдан топаманми?! Кейин... директорлигинг турган-битгани ғалва! Ун минг долларга бошимга ғалва сотиб олайми?”

“Опа, бир йилда ўн минг долларни бу ерда икки баробар қилиб чиқариб оласиз. Шошиб гапирманг!”

“Директорлигинг бошингдан қолсин! Менга тарбиячилик маъқул”.

Ана шунақа!

Дарвоқе, Ўзбекистонда мансаб

пиллапояларидан кўтарилиб бораётган аёлларни кўрсангиз, бу Каримовнинг ғамхўрлиги деб ўйлаш жуда бир муболаға бўлиб кетади. Ҳамма аёллар ҳам эмас, лекин аксари аёллар ўз номуслари эвазига амалдор бўлишаётгани ҳам ҳақиқат.

Бу гапларни мендан кўра бизга тош атаётганлар яхши билишади. Шу ҳолатга рози бўлиб яшашлари бироз ажабланарли. Қачонгача рози бўлиш мумкин бу қадар зулмга?

Ҳозир баъзи “илмли” лар мамлакатдаги аҳволга подшо жавоб беради, биз унга исён қилмаймиз дейишни ўрганишибди. Уларнинг ақидасига кўра, Оллоҳ таоло қиёмат куни эй бандам, фалон-фалон ҳаром ишлар бўлди, сен нега сукут қилдинг деб сўрамас экан. Балки подшодан сен нима учун зулм қилдинг деб сўрар экан. Шубҳасиз, подшонинг сўроқ бериши аниқ, лекин банда ҳам, агар у мусулмон бўлса, ҳақиқат топталганда сукут қилгани учун жавоб бериб қолиши мумкин.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Агар бирортангиз бирор ғайришаръий ишни кўрсангиз, қўлингиз билан қайтаринг. Қўлингиз билан қайтара олмасангиз, тилингиз билан қайтаринг. Унга ҳам қодир бўлмасангиз, ичингизда ёмон кўринг. Аммо бу иймоннинг энг қуйи даражасидир”.

Қаранг, ғайришаръий ишни, аввало қўл билан қайтариш керак экан! Ғайришаръий иш нима? Шубҳасиз, бу зулм, бу ноҳақлик, бу одамларни эзишдир, инсонийликни топташдир. Бордию, қўлингиз шол бўлса, тилингиз билан, “Ҳой барака топкур, бундай қилма, гуноҳ!” дейиш керак экан.

Унга ҳам кучингиз келмаса, дейлик, соқов бўлсангиз, бу ишдан нафрат қилиш керак экан. Аммо бу иймоннинг энг суз даражаси экан.

Бирок, афсуслар бўлсинки, жамики ҳаром-ҳаришга, жамики ноҳақликка жим қараб турганлар соқов ҳам эмас, шол ҳам эмас. Уларнинг бир жуфт бақувват қўллари ва икки қарич тиллари бор. Аммо зулмга таслим бўлишган.

Агар қалбда бирор ўй бўлса, у, шубҳасиз, тилга чиқади. Агар Ўзбекистондаги баъзилар ўзини мусулмон деб ўйлаганда эди, зулмдан норози бўларди. Бу норозилик тилга чиқарди, шубҳасиз.

Тилга чиққач, қўлга ҳам кўчар эди, албатта. Демак, муаммо бизнинг қалбимизда. Қалбимизда зулмга кўникиб қолдикми? Еки золимга айландикми биз ҳам? Йўқса, нима учун бу каби зулм ва пасткашликлар қаршисида жим тураемиз?

Абдуллоҳ Нусрат

Мен Сенга етдим...

ТАВБА

1.
Додимни эшитгил, қодир Аллоҳим,
Ишқ сенсан, ошиқ ҳам сен, мен
қулингман.

Лойиқман қаҳрингга, дўзахим-
боғим,

Омонат деворман, ўтман, қулингман.
Рубъи маскун ичра сайёд, ўзим сайд,
Ортиқ мадорим йўқ, воқифсан ахир.
Манглайда ёзилган фармонингни
айт,

Даъват қил, гуноҳкор бандангни
чақир.

Иймон бер руҳимга, жисмимга жон
бер,

Лойимни қориштир, поклаб бер
менга.

Ожиз томиримга покиза қон бер,
Равшан қил, қорамни оқлаб бер
менга.

Охират илмидан қил мени огоҳ,
Муродим шаъминини сўндирма, Аллоҳ.

2.
Мозийга урилиб синар овозим,
Умр ўтиб борар бенафъ, бенаво –
Наҳотки бу — қўлим? Бу менинг
созим?

Аллоҳдан сўрайман — Нечун бу
жафо?!

Жами жудоликлар жонимга етди,
Ол, дейман, Аллоҳим, омонатингни.
«Тавба» қил, — деди Ул, бир Китоб
тутди –

Муродинг мустажоб, мингил
отингни,

Уммонлар йўлингга, жангал
йўлингга,

Номаълум ҳар жойда қурилган
доринг.

Оламнинг калиди сенинг қўлингга,
Жафо ҳабибингдир, хиёнат —
ёринг».

Аллоҳим, лаҳза — мен, сен эрса
мангу,

Таскин берганингаи, шафқатингни,
бу?!

3.
Семурғ қушим, подшо қушим, хуш
келдинг,

Етти гумбаз, етти водий сарвари.
Васлинг неъматидан баҳравар
қилдинг,

Интизор жонингман, йўлсиз,
сарсари.

Нола айлаб Семурғ деди: — Эй,
бедор,

Чорлар сени бир уборим. Бор. Ишон!
Сен фано водиси, Ҳақ қошига бор,
Еру осмон чўкмақдадир бенишон,
Ваҳший дунё, қонхўр дунё қутурди,
Инсон фарёдига тўлди коинот.

Набийлар, дохийлар, шоирлар
турди,

Чора, чора, дея сўрдилар нажот...

Аллоҳим, билурсан қай сори кетдим,
Аллоҳим... мен ўлдим... Мен Сенга
етдим...

Аллоҳим, билурсан қай сори кетдим,
Аллоҳим... мен ўлдим... Мен Сенга
етдим...

Аллоҳим, билурсан қай сори кетдим,
Аллоҳим... мен ўлдим... Мен Сенга
етдим...

Рауф Парфи Ўзтурк
22.11.1994



«Илоё Шанхайи ҳам ўлсин, Шанхайни Тошкентга чақирган Каримов ҳам ўлсин!»

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)нинг Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган учрашувига хозирлик кўраётган Каримов режими пойтахт кўчаларини ўрта мактаб ўқитувчиларининг ҳисобидан безашга киришди.

Тошкент халқаро аэропортидан тортиб, президентнинг Оқсарой ва Кўксарой қароргоҳларигача бўлган кўчаларда жойлашган мактабларда ишлайдиган ўқитувчиларга йўл четларига чим ва гуллар экиш, гултуваклар қўйиш ва мактаб фасадларини янгидан безаш «вазифалари» юклатилган.

Президент девони бошлиғи

3. Ҳайдаров ва Президент хавфсизлиги хизмати раҳбари М. Тоҳирийлардан келган топшириқни мактаб директорлари ва ўқитувчиларга етказиш ишларини Яккасарой, Миробод, Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари ҳокимлари амалга оширишмоқда.

Улар президентнинг автокортежи ҳаракатланадиган трасса юзига жойлашган мактабларнинг директор ва ўқитувчиларини йиғиб, уларга зудлик билан ўз ҳисобларидан чим, гул, гултуваклар сотиб олиб, мактаб фасадини қайтадан таъмирдан чиқаришни талаб қилишмоқда.

«Чимнинг бир квадрат метри 100 минг сўм экан. Гултуваклар эса ўртача 150 минг сўм турар экан. Мактабимизнинг олдида шу чимни ётқизиш ва ана шу гултувакларни ўрнатиш учун 3-4 миллион сўм керак. Арз қилайлик десак, ҳокимнинг ёнида ўтирган прокурор билан МХХ ходими: «Фаолиятингизни яхшилаб

текширсак, албатта, хато топамиз ва жазолаймиз», деб пўписа қилишмоқда. Каримовнинг куни биз ўқитувчиларнинг маошига қолган бўлса, тамом бўлибди бу президент», дейди президент трассасида жойлашган мактабда ишлайдиган ўқитувчилардан бири. Унинг айтишича, «Йиғилишларда ҳоким, прокурор, мхччи ва начальник милисалар ўзларини қароқчилардай тутишяпти» экан.

Масалан, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида ўтказилган ана шундай йиғилишда туман ҳокими ва прокурори ўқитувчиларнинг: «Ҳали маошимизни олганимиз йўқ. Шунча пулни қаердан оламиз?», деган эътирозларига: «Ота-оналардан йиғинлар!», деб жавоб қайтаришган.

«Биз мактабдаги ота-оналар кенгашини йиғиб, ҳокимнинг топшириғини етказган эдик, жаҳли чиққан бир пенсионер: «Илоё Шанхайи ҳам ўлсин, Шанхайни Тошкентга чақирган Каримов ҳам ўлсин!», деб бақариб кетди. Кекса аёлни зўрға тинчланттирдик», — дейди мактаб директорларидан бири.

«Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти йилига саккиз фоиз барқарор ўсмоқда», дея мактанаётган мустабид Ислом Каримов режими атиги 30 километрлик трассага гул ва чим экиш учун пул топа олмай, мактаб ўқитувчиларининг маошларига кўз тикаётгани режим иқтисодий жиҳатдан нақадар аянчли аҳволга келиб қолганини кўрсатади.

ЎХХ ахборот бўлими

Суд ижрочиларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракталари юзасидан шикоят аризаси

*Ўзбекистон Республикаси
Президентига
Нусхаси: Ўзбекистон
Республикаси Сенатига
Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурорига
Ўзбекистон Республикаси Суд
департаменти директорининг
ўринбосари –
Суд қарорларини ижро этиш
бошқармаси бошлиғи Орзиев
Толибжон Назаровичга
Тошкент шаҳри, Учтепа
тумани суд ижрочилар бўлими
бошлиғига*

*Эшонкулова Малоҳат
Худжамовнадан
Тошкент шаҳри, Учтепа
тумани, Чилонзор, 23-мавзе,
16-уй, 39-хонадонда яшовчи
Моб. тел: +99893 5701747*

ШИКОЯТ АРИЗА

(Тошкент шаҳар Учтепа туман суд ижроچиси С. Абдувалиев раҳбарлигидаги 10 нафар фуқаро кийимидаги нотаниш шахсларнинг менга солинган суд жарималарини ундириш мақсадида мен яшаётган –куёвимнинг хусусий мулки бўлган уйдан — юқорида кўрсатилган манзилдан мутлақо асоссиз тарзда, ноқонуний равишда мусодара қилиб кетилган қизим ва куёвимга тегишли бўлган мол-мулкларни эгаларига қайтариш ва суд ижрочиларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракталарига қонуний чора кўриш масаласи хусусида.)

Мен, Эшонкулова Малоҳат Худжамовна 1966 йилда Самарқанд вилоятининг оқдарё туманида туғилганман. Касбим журналист. Юқоридаги кўрсатилган манзилда – куёвим ва қизимга тегишли бўлган хонадонда истиқомат қиламан. Касбим журналист. Менга 2011 йилнинг 27 июнь куни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман суди мени ЎзРесМЖТКнинг 201-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топиб, энг кам иш ҳақининг олтмиш баравари миқдорида – 2.984.100 (икки миллион тўққиз юз саксон тўрт минг бир юз) сўм миқдорида мутлақо ноқонуний жарима жазоси, 2012 йилнинг 12 июнь куни Тошкент шаҳар Мирзао Улуғбек туман суди менга

ЎзРесМЖТКнинг 201-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топиб, энг кам иш ҳақининг саксон баравари миқдорида – 5.033.600 (беш миллион ўттиз уч минг олти юз) сўм миқдорида тамомила асоссиз тарзда жарима жазоси, 2013 йилнинг 6 июль куни Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар суди эса менга ЎзРесМЖТКнинг 201-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топиб, энг кам иш ҳақининг етмиш беш баравари – 5.969.2500 (беш миллион тўққиз юз олтмиш тўққиз минг икки юз эллик сўм) сўм миқдорида ғайриқонуний равишда жарима жазоси тайинланган эди. Мен 5 йилдан буён ишсизлигим сабабли суд томонидан солинган ноқонуний жарималарни тўламоқчи эмасман ва тўлашга молиявий аҳволим ҳам йўл қўймайди. Шу боис тўламаганман. Суд томонидан ноқонуний жарима солинган ғайриқонуний суд қарорларини бекор қилишларини сўраб шу кунга қадар Олий судга шикоятлар ёзиб келмоқдаман.

Бироқ шунга қарамасдан, 2012 йилнинг декабр, 2013 йилнинг декабр ойларида Тошкент шаҳар, Учтепа туман суд ижрочилари мен истиқомат қилаётган юқорида манзили кўрсатилган хонадондан, шунингдек, Учтепа туман ИИБсининг терроризмга қарши кураш бўлими хонасидан ИИБ ходимлари ва холимлар гувоҳлигида менга суд томонидан солинган ноқонуний жарималарни қоплаш мақсадида икки маротаба мол-мулкларни мусодара қилишган. 2012 йил декабрда мусодара қилинган мол-мулкларнинг рўйхати тузилган ДАЛОЛАТНОМАни беришган. Бироқ, мазкур мол-мулкларнинг нархлаш далолатномасини қўлимга беришмаган. Шунингдек, 2013 йилнинг декабрь ойида Учтепа туман ИИБ Терроризмга қарши кураш бўлимида менинг қўлимдаги бир дона видеокамера ва битта мобил телефон Учтепа туман суд ижроچиси Рустам ака томонидан ҳолислар иштирокида мусодара қилинган ва мазкур мусодара қилиш хусусидаги далолатнома ҳам, у техникларни нархлаш

далолатномаси ҳам қўлимга берилмаган.

Шу боис ҳам мен суд томонидан менга ноқонуний тарзда қўлланилган жарималардан қанча олганлигидан бехабарман. Икки маротаба мусодара қилинган жиҳозлар сотилиб, жарималарим бутунлай қопланган деб юрардим.

Негаки, 2013 йилнинг декабр ойидан буён, мана, қарийб уч йилдирки, Учтепа туман суд ижрочилари қарзларимни ундириш масаласида менга бир маротаба ҳам мурожат этишмаган, огоҳлантириш юборишмаган, тинчимни бузишмаган эди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 330-моддасида “Маъбодо суд жарималари суд ижрочилари томонидан уч ой муддат ичида ундирилмаса, бундай жарималар муддати ўтгандан кейин ижрога қаратилмайди” деган таълаб аниқ-тиник кўрсатиб қўйилган.

Шундай бўлишига қарамасдан, Учтепа туман суд ижрочилари орадан уч йил муддат ўтгач, менга суд томонидан қўлланилган ноқонуний жарималарни ундириш тўғрисида менга ва мен истиқомат қилаётган уй эгаларига ҳеч қандай огоҳлантириш бермасдан, 2016 йилнинг 30-март куни юқорида манзили кўрсатилган хонадонга – куёвим Алимбеков Қодирбек Баҳодирбековичнинг хусусий мулки бўлган — Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор, 23-мавзе, 16-уй, 39-хонадон ҳеч бир огоҳлантиришларсиз 10 нафар киши бўлиб бостириб келиб қизим ва куёвимга тегишли бўлган мол-мулкларни мутлақо ноқонуний тарзда мусодара қилиб кетди.

Қ. Алимбеков “Бу уй қонунан меники, менинг номимда, бу жиҳозлар ҳам менинг ва оиламнинг хусусий булки. Нега менинг уйимга ноқонуний бостириб келиб, жиҳозларни олиб чиқиб кетмоқдасизлар. Уйимни бўшатиб қўйишларингни талаб қиламан” деб қаршилик кўрсатишларига қарамасдан, суд ижроچиси Сирож Абдувалиев “Уй жиҳозлари Эшонкулованинг жарималари эвазига мусодара қилинади” дея уй

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

хужжатларини, мол-мулкларнинг харид қилинган хужжатларини сўрамасдан, қарамасдан ноқонуний ижро ҳаракатларини тўхтатмади. Куёвим – уй эгаси “Бу нарсалар менинг буюмларим. Мабодо, Эшонкуловадан ундирмоқчи бўлсангиз, уларнинг уйдан, уларга тегишли бўлган мол-мулкларни мусодара қилишингиз мумкин. Менинг мол-мулкларимни қайнонамга нима алоқаси бор?” деса-да, “Эшонкулова қайси уйда яшаса, шу уйдаги нарсаларни мусодара қилишимиз шарт. У ҳолда Эшонкулова нега сизнинг уйингизда истиқомат қилмоқда?” деди, куёвим “Булар қайнонам-ку? Кўчага чиқариб ташломайман-ку?” деганича қолаверди. Мен ўша куниёқ, 2016 йилнинг 30 март куни соат тахминан 12.00 — 13.00 лар ўртасида Бош прокуратурасининг “1007 – ишонч телефони”га кўнғирок қилиб, Учтепа туман суд ижрочиларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари хусусида шикоят қилганман.

Учтепа туман суд ижрочиси Сирож Абдувалиев ўзининг 2016 йилнинг 30 март куни куёвимга тегишли бўлган хонадонда куёвим ва қизимнинг уй жиҳозлари, мол-мулкларини мутлақо ноқонуний тарзда мусодара қилаётганлигини англи равишда билиб турган ва шу боис ҳам қўли ниҳоятда титраган ҳолда мусодара амалиётини ўта шошма-шошарлик билан, тезкорликда ўтказиш ва жунлашга уринган. Натижада, ижро ҳаракати давомида ижро қонун-қоидаларини қўпол тарзда бузилишига сабаб бўлган. Суд ижрочиси Сирож Абдувалиевнинг ижро ҳаракатлари қоидаларини қўпол варишда бузганлиги қуйидаги ҳолатларда кўринади:

Биринчидан, ўша куни туман ҳудудида ва мен истиқомат қилаётган уйда электр энергияси бўлишига қарамасдан, суд ижрочиси Сирож Абдувалиев уйдан мусодара қилинаётган телевизор, видеомагнитофон, икки дона қўл телефони, фотоаппарат, бир дона ноутбуг, 2 дона – бирининг ҳажми 4 МБ, бирининг ҳажми 2 МБ бўлган телефон филешкаси, бир дона модем каби орг. техникаларни яроқлилик ҳолатини текшириб кўришни истамади. Гарчи мен мазкур орг. техникаларнинг яроқлилик ҳолатини текшириб

кўришларини талаб қилсам-да, менинг қонуний талабларимни инобатга олмайди ва далолатномага “Яроқлилик ҳолати текширилмади” дея шошилганча қайд этган ҳолда мол-мулкларни олиб чиқиб кетишга ниҳоятда ошиқди;

Шунингдек, суд ижрочиси Сирож Абдувалиевнинг ижро ҳаракат қонун-қоидаларини қўпол равишда бузганлиги, ўғри-қароқчилардек, босқинчилар каби иш тутганига далолат шундаки: Сирож Абдувалиев хонадондаги бир дона ноутбугни хатлаб олишни унутмади, бироқ, ноутбугнинг “блог питания”сини – яъни қувватловчи ускунасини олишни унутди! Шунингдек, суд ижрочиси мазкур ноутбугнинг русумини, рақамларини қайд этишни истамади;

Суд ижрочиси босқинчи – қароқчилар каби шуқадар шошилдики, суд ижрочилигинини ҳам унутиб қўйиб, икки дона мобил телефонни мусодара қилинган далолатнома рўйхатига киритишни эсидан чиқармади, бироқ ҳар иккала телефоннинг “зарядка”сини, яъни қувватловчи ускунасини олишни мутлақо хотирасидан фаромуш қилди! Шунингдек, мобил телефонларининг серияларини ёзишни унутди;

Суд ижрочиси Сирож Абдувалиев хонадондаги бир дона фотовидеоаппаратни мусодара қилиб кетди, бироқ мазкур фотовидеоаппаратнинг қувватловчи ускунасини (гарчи бирга “зарядка”да турган бўлишига қарамасдан, қувватловчи ускунасини қолдириб кетди. Энг муҳими мазкур аппаратнинг серия рақамларини ёзишни ҳаёлига ҳам келтирмади;

Суд ижрочиси Сирож Абдувалиев бир дона LG телевизorni олиб кетди, бироқ унинг на маркаларини ёзди, на серияларини қайд этди ва на-да ишга яроқли эканлигини текширмасдан, қўлтиқлаганча қочиб қолди!

Суд ижрочиси Сирож Абдувалиевнинг Далолатномасига бор йўғи 4 киши имзо чеккан бўлишига қарамасдан, ижро куни куёвимнинг хусусий мулкига бостириб кирган фуқаро кийимидаги ўзларини “суд ижрочилари” лдеб таништирган шахслар 10 нафарни (милиция формасидаги участка нозири билан қўшиб ҳисоблаганда)

ташқил этарди. Модомики, суд ижро хужжатида – далолатномага 4 киши имзо чеккан экан, ижро куни куёвимнинг хусусий мулки бўлмиш уйига бостириб кирган қолган 6 нафар нотаниш шахслар кимлар эди? Суд ижрочиси нима учун фуқаронинг қуйига ишга тааллуқли бўлмаган нотаниш шахсларни бошлаб киради? Бунга суд ижрочининг нечоғлик ҳаққи бор?

Суд ижрочиси Сирож Абдувалиевнинг ўз хизмат ваколатини суиистеъмол этганлиги оқибатида, айни дамда қизим ва куёвимнинг оиласи дарз кетди, рўзғорида зиддият юзага келди. Бир ёш оиланинг бузилиб кетиш хавфи туғилди.

Хурматли қонун ижросини назорат қилишга масъул Бош прокурор!

Куёвимнинг хусусий мулки бўлган юқорида кўрсатилган манзилдаги уйдан Учтепа туман суд ижрочилари томонидан қизим ва куёвимга тегишли бўлган мол-мулклар менга суд томонидан солинган жаримларани қоплаш мақсадида мутлақо ноқонуний тарзда олиб кетилганлиги сабабли, мен куёвим ва қизимга тегишли бўлган мол-мулкларни зудлик билан ўз эгаларига қайтарилишида ва ёш оилани барбод бўлишдан асраб қолинишида амалий кўмак беришларингизни ва ноқонуний иш тутган Учтепа туман суд ижрочиларига нисбатан қонуний чора кўришларингизни сўрайман.

Илова:

1) Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор, 23-мавзе, 16-уй, 39-хонадоннинг куёвим Алимбеков Қодирбек Баҳодирбековичга тегишли эканлигини исботловчи кадастр ва нотариал идораси хужжатлари;

2) Куёвим Алимбеков Қодирбек ва қизим Алимбекова Зарнигорнинг паспортидан нусха;

3) Қизим ва куёвимнинг никоҳ гувоҳномаси;

4) Учтепа туман суд ижрочиларининг 2016 йил 30 март куни юқорида кўрсатилган манзилдан қизим ва куёвимга тегишли бўлган мол-мулкларни мусодара қилиб кетганлиги тўғрисидаги мутлақо ноқонуний ва саводсизлиарча тузилган далолатномаси.

Эшонкулова Малоҳат.
18 апрель, 2016 йил.

Amnesty International инсон ҳуқуқлари ташкилотига кўра, юзлаб ўзбекистонлик бошпана изловчи қочқинлар ва муҳожирлар мажбуран Россиядан Ўзбекистонга қайтарилмоқда.

Ўзбекистонда эса улар қийноққа солиндилар, дейилади ташкилот номасида.

“Қийноқлар томон йўл: Россияда муҳожирларни



калтаклашади ва у “айбига иқро” бўлади.

“Тишларни қоқиб олишади, икки қобирғасини синдиришади ва қамоқхоналарнинг жазо хужраларида бир неча ҳафта ўтириб чиқади”.

Қийноқлар оқибатида олинган иқрономадан кейин уни саккиз йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилишади.

Бошпана изловчи қочқинлар ва муҳожирлар мажбуран Россиядан Ўзбекистонга қайтарилмоқда

ўғирлаш ва Ўзбекистонга мажбуран қайтариш” деб номланган бу ҳужжатда Россия мулозимлари Ўзбекистон хавфсизлик кучлари билан ҳамкорликда юзлаб бошпана изловчиларни ватанга қайтаргани борасида сўз кетади.

Ташкилотга кўра, Ўзбекистонда бу қочқинларни қийноқлар кутаётгани аниқ.

Айрим алоҳида ва жуда кам ҳолатларда Россия Ўзбекистоннинг экстрадиция талабларини қондирмаган.

Аммо Ўзбекистон хавфсизлик хизматлари ходимларига Россиядаги муҳожирларни ўғирлаб кетишга рухсат берилган, дейилади ташкилотнинг матбуот баённомасида.

“Россия мулозимлари Ўзбекистондаги қийноқлар ва адолатсизликларга кўз юмибгина қолмай, уларга (Ўзбекистонга ҳукуматига – таҳ.) ёрдам бермоқда”, дейди ташкилотнинг Оврўпо ва Марказий Осиё давлатлари бўйича директори Жон Далҳизен.

Жон Далҳизенга кўра, Россия бу каби қочқинларни ўғирлаб кетиш ва депортация қилиш амалларига чек қўйиши, ўзининг инсон ҳуқуқлари борасида олган мажбуриятларини бажариши керак.

“Россия Ўзбекистонга қийноқ қўлламаслик, барча маҳкамалар адолатли ва халқаро меъёрларга мувофиқ ўтиши учун босим қўллаши керак”.

Ўзбекистонда қийноқ қўллаш тўхтагани йўқ

Ўзбекистондай ёпиқ бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари

фаолларининг арзлари, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган хабарлар ва дипломатларнинг ҳикояларига асосланса, қийноқларни бартараф этиш учун ҳукумат деярли ҳеч қандай амалий чораларга қўл ургани йўқ.

Халқаро Амнистия ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг вақти-вақти билан ўтказиладиган “терроризмга қарши кураш”, “давлатга қарши фаолият” каби кампанияларини тилга олади.

Бу каби кампаниялар ҳукуматнинг ўз муҳолифлари, танқидчилари ва ноқонуний диний оқимларга ҳайрихоҳларни жазолаш учун оқлов бўлади, дейилади баёнотда.

Ташкилотнинг ишонишича, ҳибсга олинганларнинг бари қийноққа солинади.

2013 йилда Россия мулозимлари ўзбекистонлик режиссёр Мирсобир Хамидхўжаевни экстрадиция қилиш ҳақида Ўзбекистон талабини қондиришмайди.

У аёлларнинг рўмол ўраши уларнинг ҳуқуқидир деганини кимдир эшитиб қолгани учун “ноқонуний диний гуруҳ” тузишда айбланган эди.

Аммо инсон ҳуқуқлари ташкилотига кўра, 2014 йилнинг июн ойига келиб уни ўғирлаб кетишади.

Россия Федерал хавфсизлик кучлари Хамидхўжаевни Ўзбекистон хавфсизлик ходимларига топширишади.

Уни мажбуран Ўзбекистонга қайтаришади.

Халқаро Амнистияга кўра, Ўзбекистонда Мирсобирни

Оилалар ҳам таҳдид остида

Ўзбекистон мулозимлари учун “шубҳа остида бўлган” шахсларнинг қаердалигини билиш учун уларнинг оила аъзоларини таҳқирлаш одатий ҳолга айланган.

2016 йилда Ўзбекистон хавфсизлик ходимлари Артур Авакияни ҳибсга олишади.

Қийноққа солишади ва ниҳоят, Артур ўз акаси, балиқчи Арамаисни “террорчи фаолиятга иқро бўлади”

Амнестига кўра, Артурни милиция ходимлари электр токи билан то тили танглайига ёпишиб қолганига қадар қийнашади.

Арамаиснинг дўстлари ва оила аъзоларига кўра, унинг қамоққа ташланишига балиқчилик фермасига айрим маҳаллий мулозимларнинг кўз олайтириши сабаб бўлган. Қарийб беш ой ҳибсда ушлаб турилгач, уни маҳкамага тиббий замбирда олиб келишади.

“Террорчиликда” айбланган Арамаис, Амнестига кўра, Жиззах вилояти маҳкамаси томонидан етти йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

Арамаис маҳкамага ўзининг гўё “ИШИД ҳайрихоҳи” эканига қийноқлар остида иқро бўлганини айтади.

Ўзбекистонда қамоққа ташланган шахсларнинг яқинлари қийноқлар ҳақида арз қилишга қўрқишади, дейилади баёнотда.

Бунга сабаб, Амнестига кўра, аксарият ҳолатларда маҳбус ва маҳкумларнинг оила аъзоларига уларнинг ҳоли баттар бўлиши борасида таҳдид қилинади.

Манба: bbc.com/uzbek

Алёна Алексеёнок – врачлик таълимотиغا эга. У 2000 йилда врач-терапевт мутахассислиги бўйича Кишинёв тиббиёт институтини тамомлаган, аммо ҳеч расмий тиббиёт соҳасида ишламади – бегона болаларга эмлашларни қилишни истамади, бусиз эса тиббиёт тизимида афсуски ишлашнинг имкони йўқ. Бошида Алёна барча учун эмлашнинг фойдаси ва заруратига жуда ҳам ишонар эди, лекин ўз фарзандлари эмлашлардан зарар кўрганидан сўнг бу ишонч иккиланишга айланди ва кейинчалик умуман йўқолди. Ҳозирда Алёна вакцинага қатъиян қарши ва нега бундай эканлигини бугун у бизга сўзлаб беради.

-Алёна, ўз ҳикоянгизни айтиб берсангиз. Нега эмлашлардан ҳафсалангиз пир бўлди?

-Менинг катта ўғлим 1996 йилда туғилди, бу вақтда мен ҳали тиббиёт университетида ўқир эдим. Туғруқхонада унга БЦЖ эмлашини қилишди, шундан сўнг чақалоқда чап томонлама лимфаденит (лимфа тугунларининг яллиғланиши) бошланди. Ушанда врачлар менга вакцина сифатсиз бўлганини айтишди – чехияники, бироқ асорат айнан вакцина натижасида юзага келганини тан олишди. Чақалоқни сил касаллигидан даволай бошлашди, жигарини алмаштиришди. Ушанда мен эмлашнинг самарадорлиги борасида фақатгина иккилана бошладим, аммо ҳали бутунлай ҳафсалам пир бўлмаган эди. Кейин қизим туғилди, уни ҳам эмлаш тақвимида кўра эмлаттирдим, лекин учинчи фарзандимни фақатгина қисман эмлаттирдим, охиригича икки фарзандимга эса умуман вакцина қилдирганим йўқ. У вақтда бизда интернетга чиқиш имкониятимиз йўқ эди, эмлашнинг зарари ҳақида қандайдир маълумот топиш жуда ҳам қийин эди ва мен ўз саволларимга жавоб топиш учун узоқ вақт кутубхоналарда китобларни varaқлар эдим.

Вакцина хавфли экан деган хулосага келганимдан сўнг, мен, вакцина – бу оммавий қирғин қуроли эканлигини исботлар билан тушунтириб, соғлиқни сақлаш вазирлигига очиқ хат ёздим. Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари мен билан телефон орқали боғланиб, ушбу маълумотни тарқатмаслигимни сўради. Мен докторларга мурожаат қилиб тадқиқот ўтказишни сўрадим: эмланмаган болалар гуруҳини



Касалликка қарши қилинадиган ҳар қандай вакцина, шу касалликдан кўра хавфлироқдир

йиғиб кузатув олиб бориш, уларнинг саломатлигини тадқиқ қилиш, ва натижаларни вакцина қилинган болалар саломатлиги билан таққослаш. Аммо бу ҳеч кимга қизиқ эмас эди! Менга рад жавоби беришди. Шундан сўнг мен яқка тартибда эмлашнинг зарари ҳақида одамларга маслаҳат бера бошладим, турли конференцияларда чиқиш қилдим, адвокат Елена Битка билан биргаликда эмланмаган болаларнинг қонуний равишда болалар боғчасига боришларини таъминловчи қонун қабул қилинишига урундик.

-Нима деб ўйлайсиз, эмлашнинг зарари айнан нимада?

-Керакли тиббий илмга эга бўла туриб, эмлашларни зарарли деб ҳисоблаш тўғримики, дея мен жуда узоқ вақт иккиландим. Тирик мисоллар, ҳақиқий ҳикоялар ушбу масалада батамом бир фикрга келишимга ёрдам берди. Биринчидан, ўз фарзандларим вакцинадан зарар кўришди: катта ўғлим лимфоденит билан касалланди, натижада унда аутизмнинг баъзи асоратлари пайдо бўла бошлади, иккинчи ва учинчи фарзандларимда эмлашдан сўнг баъзи неврологик асоратларни кузатдим (бақирешлар, кўп сўлак оқиши), дисбактериоз, умуман эмланмаган тўртинчи ва бешинчи фарзандларим эса, мустаҳкам соғлиқ ва юқори даражадаги ақлий ва интеллектуал ривожланиш билан ажралиб турадилар.

Менинг синглим чет элда яшайди: иккита фарзандини

Грецияда туғган, учинчисини эса Финландияда ва ҳозирда ҳам у ерда яшашади. Бу мамлакатларнинг ҳеч бирида унинг фарзандларига эмлаш қилинмаган! Унга таклиф қилинган, аммо у рад қилгандан сўнг бу мавзу бошқа кўтарилмаган. На болалар боғчасига боришда, на мактабга боришда унинг болаларидан ҳеч қандай эмлаш картасини сўрашамаган, вакцинадан воз кечилгани сабабли ҳеч қандай муаммога дуч келмаган. Лекин нега бизда бу нарсаларга дуч келинади? Вакцина фақатгина пост-совет мамлакатларидагина одамларга мажбурий равишда ўтказилади!

Айтганча, ушбу мамлакатлар туғруқхоналарида БЦЖ вакцинаси ҳеч кимга қўлланилмайди. Фин педиатри Финландияда сил касаллиги йўқ дея таъкидлади. Лекин уларда ушбу касалликка қарши оммавий вакцина қилиш ҳам йўқ. Демак, финлар сил касаллиги устидан эмлаш ёрдамида эмас, балки бошқа йўллар билан ғалаба қозонишган.

Вакциналар ўлик ва тирик бўлади. Тирик деб аталадиган вакциналарда юқумли вирус, бактериялар тирик бўлади. Ва бу тирик вирусни, шундай кучли душманни, бизнинг беш ҳимоя тўсиқларимизга қарамасдан қонимизга юборилади. Бу масалан, дунёнинг бошқа ҳеч бир мамлакатидан қўлланилмайдиган БЦЖ вакцинасига тегишли. Японияда ҳар қандай эмлашни болаларга фақатгина уч ёшдан

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

сўнг қилишади, чунки уч ёшга қадар болада иммунитет тизими яхши ривожланмаган бўлади! Бизнинг мамлакатларда эса ҳаётнинг илк саналариданоқ кичик бир инсоннинг иммунитетини шу даражада безовта қиламизки, натижада иммунитетни тўғри маънода фалаж ҳолатга келтирамиз. Бошқа ҳолат: она сути билан биргалликда аёлдан болага онасининг антитаналари ўтади, болага қилинадиган эмлаш эса бу антитаналарни “боғлайди”. Вакциналар, болаларнинг шиллик бурун ва оғиз бўшлиқларига тушадиган бегона жисмларга ёпишадиган иммуноглобулинларни ўлдиради

Барча вакциналар энцефалопатия асоратига эга, уларнинг барчаси қайсидир даражада боланинг асаб тизимига таъсир қилади. Эмланган болаларда шахс салоҳияти ҳеч қачон эмланмагн боланики каби ривожланмайди, қолаверса

эмланган болалар эмланган вақтдаги бошдан кечирган кучли стресс натижасида ўзлари билмаган ҳолда дунёга душман кўзи билан қарайди

-Агарда эмлашлар шударажада зарарли, ҳаттоки хавфли бўлса, у ҳолда инсонларни оммавий тарзда эмлашдан нима фойда?

-Совет иттифоқи тизимида вакцина нега қилинганини билмайман, лекин у вақтда вакциналардан кўра тиббий воситалар кенг тарқалган эди, ҳар бир киши истаганда бундай воситаларни олиши мумкин эди. Ҳозир эса ҳаммаси анча ёмон аҳволда, вакцина учун қўллаш мумкин бўлмаган барча ҳолатлар бекор қилинди, гарчи фақат БЦЖнинг ўзида 12 қўллаш мумкин бўлмаган ҳолат бор эди, АКДСда эса – 16.

Оммавий вакцина қилшнинг бошида тижорий мақсад турибди. Россияда масалан 10 та “тест” минтақаси бор, бу ерларда ота-оналарни огоҳлантирмаган ҳолда

болаларда янги вакциналарни текширишади (чет давлатлар маблағи эвазига). Бошқа ҳолат: агар кишида иммунитет фалажи бўлса, унга аъзоларни кўчириб ўтказиш жуда қулай – ўтказилгандан сўнг рад қилиш юзага келмайди, тиббиётнинг бу соҳаси эса ҳозирда фаол ривожланмоқда.

-Эмлашдан воз кечаётган ёки рад этишга тайёр кўплаб одамларни, кейинчалик болаларини эмлаш картасисиз болалар боғчаси, мактаб ва бошқа жойларга қабул қилмасликлари хавотирга солмоқда?

-Қонунга кўра биз эмлашдан воз кечиш ҳуқуқига эгамиз, лекин қонун бизни ҳимоя қилмайди, болаларини эмлатишни истамаган ота-оналарда аслида шу сабабдан эмланмаган болаларни боғча ва мактабларга бериш вақтида қийинчиликлар туғилади.

Мен шундай дейман: курашсиз ўз фарзандингизни ҳимоя қилолмайсиз!

ЎХХ хабарлар бўлими

Истанбул ташқаридан қараганда этник ва маданий жиҳатдан космополит бир шаҳар бўлиб кўринади ва бу хусусиятни шаҳарга ҳар куни оқиб келаётган туристлар янада бўрттириб кўрсатади.

Айниқса, Истанбулнинг савдо марказлари жойлашган кўча ва тор сўқоқлари сизга қадимги Бобилни эслатади. Бу ерда турли либосларга бурканган оломон тўлқин-тўлқин оқар экан, қулоғингизга чалинган узук-юлуқ ибора ва бакирик-чакириклар ҳам худди либослар каби ранг-баранг эканлигини сезасиз. Бу шовқин-сурон яна радио, магнитофон ва ёки телевизор сотувчилар тарафидан реклама қилинаётган янги кўшиқлар билан аралашиб, бир дев бастакор чалаётган абстракт мусиқа мисол Истанбул узра юксалади.

Гўё бу шовқин-суронни тўхтатадиган куч йўқдай, гўё инсонларнинг дунё неъматларига бўлган ҳирс ва эҳтиросидан бошқа ҳеч нарса йўқдай, гўё бутун дунё тижорат билан машғул, ҳар нарсани сотиб олиш мумкин ва ҳар нарсани сотиш мумкин, пул бўлса, бас. «Пул бўлса, бас» деган ҳайқирик бу оломоннинг шиоридир гўё.

Лекин бирдан, кутилмаганда, дафъатан бу ҳирс дунёсининг шовқин-сурони такка тўхтади. Тўхтади эмас, шартта кесилади.

Чунки Истанбулнинг юксак манзараларидан азон саси

Истанбулда жума

эшитилади. Азон юксалар экан, бир-бирига бакираётган одамлар дарров жим бўладилар, дўконлардан чиқаётган музика ва кўшиқ садолари дарров ўчади, ҳатто Истиклол жаддасидан (Истиклол жаддаси – Истанбулнинг марказидаги энг гавжум кўча) «ғийқиллаб» бораётган антиқа трамвай ҳам ғийқиллашдан тўхтаб, рельсларда дамини ичига ютиб кета бошлайди ёки шундай кетаётгандай туюлади.

Азон бошландими, бу бир неча сонияга жимиган Истанбулда бир сассиз талош бошланади. Хусусан, сиз мусулмон бўлсангиз, хусусан кун жума куни бўлса, азон янграй бошлаган пайтда сиз атрофга олазarak боқиб, энг яқин жомеъ ёки масжидни ахтара бошлайсиз. Истанбулда жомеълар шундай кўпки, азонни эшитган пайтдаёқ чопсангиз, муҳаққак бирор жомеъга етиб борасиз.

Истанбулда жомеълар шу қадар етарлики, сиз жума намозига «етиб келолмадим, кечикдим», деб баҳона тополмайсиз. Жума намозига азон бошланар экан, кўчаларда, сўқоқларда югураётган одамларни кўрасиз. Улар жуда зарур ишларини ташлаб, ҳисоб-китобларини тўхтатиб, фойда-зарарини четга суриб, намозга шошаётган одамлардир. Улар бир

неча дақиқага ўз ҳирсидан, ўз нафсониятидан воз кечишга куч топа олган қахрамонлардир. Улар бир неча сония, жуда оз муддатга бўлса ҳам, ғийбатдан, фиқу фасоддан, ёлғондан ва тўхматдан узоқ бўлишга қарор қилган қарорли инсонлардир.

Азонни эшитиб чопаетган бу инсонлар кўрққан инсонлардир. Бойлигини йўқотишдан кўрққанлар эмас, ўз душманидан кўрққанлар эмас, кўчадаги итдан ёки қароқчидан кўрққанлар эмас, ғанимларининг тўхматидан кўрққанлар эмас, бу чопаетган инсонлар Оллоҳдан, ёлғиз Оллоҳдан кўрққан инсонлардир.

Бу чопаетган инсонлар ҳақиқий қуллардир. Ўз бойлигининг қули эмас, ўз ҳирсининг, ўз нафсининг қули эмас, бу чопаетганлар Оллоҳнинг, ёлғиз Оллоҳнинг қулларидир. Улар чопар экан, уларга эргашинг. Қадамнингизни бироз тезлаштиринг, бу чопаетганларга етишишга, иложи борича етишишга ҳаракат қилинг.

(Март, 1997) «Туркистон шуури» 167-саҳифа
Мухаммад Солиҳ

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов